

**Bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'rvonlik g'oyasi «virusi» tarqalishining oldini olishdir.**

**Shavkat MIRZIYOEV**



## СПОРТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ, МАҲОРАТЛИ МУРАББИЙ ВА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расида 31 октябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, тегишли вазирлик ва қўмиталар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сийосатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Турли касалликлар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам

муҳим ўрин тутди. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Мустақиллик йилларида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт комплекслари бунёд этилди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларни оммавий спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди.

Истеъдодли болаларни танлаш ва профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича улуксиз тизим яратилди. Умумтаълим мактаблари ва болалар спорт мажмуаларидаги машғулотларда қобилияти кўзга ташланган ўғил-қизлар болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт коллежаларига олиниб, профессионал ёндашувлар асосида тарбияланмоқда. Олий ўқув юртлири ва ўқув-йиғин машғулотларида маҳоратини оширмоқда.

Бунинг натижасида мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак галабаларни қўлга киритиб, халқимиз салоҳиятини бутун дунёга намён қилмоқда. Хусусан, спортчиларимиз 2016 йили Бразилияда ўтган Олимпия ўйинларида 13 та, Паралимпия ўйинларида 31 та медалга сазовор бўлиб, юртимиз спорти тарихидаги энг юқори натижаларга эришди.

(Давоми 2-бетда.)

## РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

2017 йил 2-3 ноябрь кунлари Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия делегациясини қабул қилади.

Ташриф доирасида кўп қиррали ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, уларни аниқ мазмун билан бойитишнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш учун ҳукуматлараро музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Дмитрий Медведев, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этади.

## МДҲ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИГА ДОИР

Тошкент шаҳрида 2017 йил 3 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади.

Арманистон Бош вазири Карен Карапетян, Беларусь Бош вазири Андрей Кобяков, Қозоғистон Бош вазири Бақитжон Сағинтаев, Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Россия Бош вазири Дмитрий Медведев, Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзода, шунингдек, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев мажлисдаги иштирокини тасдиқлаган.

Ушбу учрашувда Озарбайжон ва Туркменистондан Бош вазир ўринбосарлари, Молдовадан мамлакатнинг МДҲ устави доирасидаги ва бошқа органлари ҳузурдаги мухтор вакили қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев МДҲ давлатлари делегациялари раҳбарларини қабул қилиши кутилмоқда.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда илк бор ўтаётган мажлиси кун тартибига 18 та ҳужжат лойиҳалари киритилган.

Тор доирадаги йиғилишда МДҲ давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг долзарб масалалари юзасидан эркин фикр алмашиш, шунингдек, Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш санаси юзасидан келишиб олиш кўзда тутилган.

Делегация аъзолари иштирокидаги кенгайтирилган мажлисда Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, жумладан, эркин савдо зонаси доирасидаги ҳамкорлик, нефть ва газ машинасозлиги, мелиорация ва товарларнинг боғхона нархлари масалалари муҳокама қилинади.

Анъанага кўра мажлис доирасида Ҳамдўстлик давлатлари делегацияларининг икки томонлама қатор учрашувлари бўлиб ўтади.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси тадбирларидан расмий делегация аъзолари ва журналистлардан иборат 200 дан ортиқ меҳмон иштирок этиши кутилмоқда.

## Шоир номи барҳаёт

Андижон шаҳрида жорий ўқув йилида фаолият бошлаган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўзбек тили ва адабиётини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мактабга жорий ўқув йилида 147 нафар ўғил-қиз танлов асосида 5-, 6-, 7-, 8-синфларга қабул қилинди. Дарслар ижодий муҳит билан ўзвий ҳолда олиб борилади. «Ижодкор», «Она тилим — суюкли тилим», «Шеърят сабоқлари» каби қатор тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, Муҳаммад Юсуф номида хиёбон барпо этилиб, сўлим масканга унинг бюсти ўрнатилди. Шоирнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи музей ташкил қилинди. Шу кунларда ушбу маънавият гўшасида сўнгги пардозлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

З.УМРЗОҚОВ (ЎЗА) олган сурат.

Газетани  
варақлаганда:

Янги мактаблардаги  
нуқсонлар

мақола чоп этилгач  
бартараф қилинди

5-бет

Жаҳоннинг энг ёш  
гроссмейстери –  
Ўзбекистондан!



8-9-бетлар

«Фикрим – жайрон,  
шер – жоним»

“Оқ орзуларим” тўплами билан танишар экансиз, беғубор қалб соҳибининг ҳамон эртақлар олами ошноси эканлигига гувоҳ бўласиз.

11-бет

## СПОРТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ, МАҲОРАТЛИ МУРАББИЙ ВА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз спортни ривожиди янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламини спорт билан шугулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказиш, Миллий олимпия кўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага зamonaviy технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига тузилмасидаги Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ижро аппарати, 300 га яқин спорт таълим муассасаси Давлат кўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш ишларининг самарадорлигини ошириш борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, соҳадagi ишларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш кенгаши ташкил этилди.

Худудий бошқарув органлари таркибида 201 та туман (шаҳар)да жисмоний тарбия ва спорт бўйича вакиллар фаолияти йўлга қўйилди. Бу жойларда соҳага оид давлат сиёсати, фармон ва қарор-

лар ижросини тўла таъминлаш, спортни қўйи поғоналардан ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда соҳага оид яна 20 дан ортик ҳужжат – Президентимизнинг фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Бу ҳам давлатимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга эътиборидан далолат беради.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган иш-хотлар натижасида соҳада сифат ўзгаришлари сезилди. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз томонидан 483 та оltин, 394 та кумуш, 536 та бронза, жами 1 минг 413 та медал кўлга киритилди.

Мамлакатимизда халқаро миқёсдаги мусобақалар муваффақиятли ўтказилди. Май ойида Тошкентда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида спортчиларимиз ўн вазн тоифасидан тўққизта оltин медалга сазовор бўлди. Ийгилишда спорт соҳаси учун малакали кадрлар ва мураббийлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан муайян ишлар бажарилди.

Бу борада асосий билим маскани бўлган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Чирчиқ шаҳрига кўчирилди. Натижада институт малакали спортчи ва мураббийларни ўқитиш ҳамда тайёрлаш учун зарур инфратузилмага эга бўлди, замонавий спорт шаҳарчаси барпо этиш имконияти яратилди. Шунингдек, институтда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб сиртки таълим олиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузу-

рида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ташкил этилди. Марказда ҳозирги кунга қадар 800 дан ортик ходим малака оширди.

Ийгилишда институт фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги инновацион технологияларни жорий қилиш, илмий излаш ишлар учун махсус лабораториялар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Жисмоний тарбия институти замонавий спорт таълим муассасасига айлантириш, ўқув дастурларини замонавий илм-фан ютуқлари асосида ташкил этиш бўйича 2018-2020 йилларга мўлжалланган дастур тузиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳадagi яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастурда 2017—2021 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш учун 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши, спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш назарда тутилган.

Дастур доирасида жорий йилда 153 та болалар майдончаси таъмирланган, 232 та замонавий майдонча, Нукус шаҳрида спортнинг олимпия ва миллий турларига ихтисослаштирилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилган.

Ийгилишда бу борада йўл

қўйилган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 39 та спорт иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадвалдан ортда қолгани, сузиш ҳавзаларини замонавий анжомлар билан жиҳозлаш кечиктирилгани танқид қилинди. Бу камчиликларни бартараф этиш, йил охиригача қурилиш ишларини якунлаш бўйича топшириқлар берилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёшларни уларга янада кенг жалб этиш зарурлиги қайд этилди.

Спорт мактаблари, республика олий спорт маҳорати мактаблари ҳамда спорт федерацияларининг иқтидорли ёшларни кашф этиш борасидаги ҳамкорлиги, селекция ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани танқид қилинди. Бу борада аниқ шаффоф механизм яратиш ва барча ҳудудларни қамраб олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимиз спортчиларини нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, бўлғуси Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёрлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳамкорлигида иқтидорли спортчиларни саралаш ва терма жамоаларни шакллантириш, спортчиларнинг маҳаллий ва хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштирокчини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ийгилишда халқаро мусо-

бақаларда кўлга киритилаётган медаллар фақат бокс, дзюдо, оғир атлетика ва спорт курашлари билан chegarаланиб қолаётгани танқид остига олинди. Гимнастика, триатлон, енгил атлетика, таэквондо, байдарка ва канозда шшак эшиш, велоспорт каби бошқа салохиятли спорт турлари бўйича ҳам кўпроқ ютуқларга эришиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб берилди. Халқаро спорт федерациялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 10 августдаги «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қароридида спортимиз юлдузлари ва уларни камолга етказган тренерларнинг машаққатли меҳнатларини муносиб тақдирлаш, уларнинг тажрибаси ва салохиятидан самарали фойдаланиш, олий ва махсус маълумот олишлари ҳамда саломатликларини тиклашлари хусусида гамхўрлик қилингани эътиборга лойиқ. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда спортчи ва мураббийларни моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этадиган спортчилар захирасини тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишларига имконият яратди.

Ийгилишда Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси фаолиятининг қўйи бўғинлари ишини кучайтириш, аҳоли барча қатламларини спорт билан шугулланишга жалб қилиш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш ва бошқа долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Тегишли кўмита ва мутасаддилар олдидаги вазифалар белгилаб берилди.

ЎЗА

## Фаол ва шижоатли ёшлар танлови

Пойтахтимизда «Ёш сиёсатчи – 2017» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган тадбирда партия марказий кенгаши аппарати ходимлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ва кўрик-танлов иштирокчилари, олий таълим муассасалари талабалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходимлари иштирок этди.

Танловда юртимизда ёшларни ҳар томонлама етук, салохиятли инсонлар этиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги самарасида ёшларимиз демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2017

йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида белгиланган вазифа-

ларни кенг тарғиб этиш, партия фаолиятига ёш иқтидорли кадрларни жалб қилиш, мамлакатимизда эркин демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида 2008 йилдан буён «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танловидида иштирок этиш истагида бўлган

ёшлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Жорий йилда ҳам танловда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишга интилаётган 19 минг 500 дан зиёд ёш қатнашди. Танловда 18 дан 30 ёшгача бўлган ўз лойиҳасига эга партия аъзолари қатнашиш имкониятига эга.

«Ёш сиёсатчи – 2017» кўрик-танловининг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида фолибликни кўлга киритган истеъдодли ёшлар учта шарт бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Танловнинг лойиҳа тақдими шартидида иштирокчи 5 дақиқа давомида ўз худудидаги ижтимоий-икти-

содий соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ масалалари, янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда ёки маҳаллаларда ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантириш ва тегишли муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз лойиҳасини тақдим этди.

Иккинчи шартда ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сиёсий партиялар, сайловлар, ёшларга оид қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари юзасидан саволларга жавоб берди. Учинчи шартда эса иштирокчиларнинг нотиклик қобилияти синовдан ўтказилди.

Танлов натижаларига кўра, Бухоро вилоятдан Шавкатжон Бобонов биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Фарғона вилоятиндан Мухлиса Орифжонова иккинчи, Қашқадарё вилоятдан Равшанбек Абдуллаев учинчи ўринни кўлга киритди.

Г.САТТОРОВА,  
ЎЗА мухбири

# ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС УЧУН ЭНГ ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ЭТАКЧИ 10 ТА ИСЛОХОТЧИ ДАВЛАТ ҚАТОРИГА КИРДИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, инвестиция иқлимини яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни жабдал ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа фурсат ичида мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш ва тadbirkorлик фаолиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 20 дан ортиқ фармони ва 35 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Лицензиялар ва рухсатномаларни расмийлаштириш, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини тубдан соддалаштириш ва уларнинг очик-ошкоралигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳамда тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилди. Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган барча ислохотлар «агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган машҳур тамойилга таянмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича сўнгги йилда қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлигини Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» ("Doing Business") халқаро ҳисоботининг сўнгги нашри ҳам тасдиқламоқда.

Жорий йилнинг 31 октябрида эълон қилинган «Бизнесни юритиш 2018: иш ўринлари яратиш учун ислохотлар» маърузасига кўра, Ўзбекистон дунёнинг 190 давлати ичида 74-ўринни эгаллаб, ўтган йилдаги давқени бир йўлга 13 поғонага яхшилади. Қолаверса, мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатларнинг биринчи ўнталигига киришга муваффақ бўлди. Амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва бизнес

юритиш шароитларини соддалаштириш бўйича Европа ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари орасида етакчига айланишига имкон берди.

Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш 2018» ҳисоботидаги 10 та индикаторнинг 6 таси бўйича сезиларли ўсишнинг қайд этилганлиги ҳам ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўлами ва натижадорлигидан дарак бермоқда.

Тadbirkorлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимининг тубдан такмиллаштирилгани тўғрисида Ўзбекистон корxonани рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича 11-ўринни банд этди. Бу йўналиш бўйича мамлакатимиз AQSH, Япония, Франция, Германия, Италия, Испания, Дания ва бошқа ривожланган давлатларни ортада қолдирди.

2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мамлакатимизда тadbirkorлик субъектларини онлайн рўйхатдан ўтказиш тизими ишлай бошлади, унга кўра рўйхатдан ўтиш жараёни аввалги икки иш кўни ўрнига атиги 30 дақиқани банд этмоқда. Тadbirkorлик субъектини рўйхатдан ўтказиш жараёни онлайн тарзда тўлдириладиган ариза асосида амалга оширилмоқда. Бунда ариза берувчига мазкур тизим орқали таъсис ҳужжатларини ўз ихтиёрига кўра намунавий шакллар асосида расмийлаштириш имкони берилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 марта кўп кичик бизнес субъектлари ташкил этилганининг ўзиёқ мамлакатимизда бизнес очилишига нақадар осон эканлигидан далolat беради.

2016 йилнинг 1 январидан

бошлаб тadbirkorлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш тартибининг жорий этилганлиги бу жараёнда бевосита тadbirkorлик субъектлари иштирокини талаб этадиган маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ва қисқартириш имконини берди. Авваллари электр таъминоти тизимига улаш учун тadbirkorлик субъектлари 7-10 идомага боришлари талаб этилган бўлса, бугунга келиб бунинг учун «ягона дарча» марказларига биргина ариза билан мурожаат қилиш kifoya. Қолган қадамлар — техник шартлар тайёрлашдан то тармоққа улашгача — барчаси ҳудудий электр тармоқлари корxonаларининг махсус хизматлари томонидан ариза берувчилар иштирокисиз амалга оширилади.

Натижада электр тармоқларига улашиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 56 поғона юқорилаб, рейтингда 27-ўринни эгаллади ҳамда бу индикатор бўйича AQSH, Нидерландия, Янги Зеландия, Испания, Латвия, Туркия, Қозогистон, Канада, Исроил каби мамлакатлардан ўтиб кетди.

2016 йилдан бошлаб тadbirkorлик фаолияти учун танлов асосида ер майдонлари ажратиш тартибининг амалиётга жорий этилиши тўғрисида қўрилиши барча босқичларида — лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш босқичидан то объектларни ишга туширгунча бўлган жараёнларда рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари сезиларли даражада соддалашди. Натижада ер участкаларини олиш ва қўрилишга рухсатномаларни расмийлаштириш учун талаб этиладиган тартиб-таомиллар сони 23 тадан 17 тагача қисқариб, бу қўрилишга рухсат олиш кўрсаткичи бўйича мамлакат рейтингининг 12 поғонага яхшиланишига хизмат қилди.

Солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва тadbirkorлик субъектларига солиқ юкини қисқартириш масалалари — мамлакатимиз раҳбариятининг доимий диққат марказида. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан тақомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонида мувофиқ, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тadbirkorлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш солиқ тизимини ислох этишнинг муҳим йўналишларининг биринчиси сифатида белгиланди.

Солиқ ҳисоботларини топширишнинг тўлиқ электрон шаклига ўтганлиги ҳамда солиқларни масофадан тўлаш амалиётининг кенгайиши солиққа тортиш кўрсаткичи бўйича мамлакатимиз рейтингининг сезиларли яхшиланишига сабаб бўлди (138-ўриндан 78-ўринга). «Бизнесни юритиш» жамоаси экспертлари баҳолаганига кўра, Ўзбекистондаги тadbirkorлик субъектларига солиқ юки даражаси AQSH, Австралия, Германия, Швеция, Туркия, Хитой ва Россия каби давлатлардагидан анча пастдир.

«Ягона дарча» марказлари орқали амалга оширилаётган мулкни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ўз давқени мустаҳкамлаб, жаҳон рейтингда 73-поғонани банд этди. Шу ўринда, тadbirkorлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятининг самарадорлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Уларнинг фаолияти рухсатномалар ва лицензияларни расмийлаштиришнинг ошқоралиги ва тезкорлигини таъминлаш, давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг электрон шаклларини жорий этиш, қолаверса, бюрократик тўсиқлар ва

ариза берувчиларнинг молиявий харажатларини сезиларли даражада қисқартириш имконини бермоқда. Ижобий тажрибани инобатга олган ҳолда 2017 йилда фақат «ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 2 мартага — 16 тадан 34 тагача оширилди.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш билан бирга, инвесторлар ҳуқуқлари ва қўнийи манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида ҳам фаол ишлар олиб боришмоқда. Корпоратив бошқарувнинг очиклиги ва акциядорлик жамиятлари фаолияти тўғрисидаги, жумладан, жамиятнинг ижро органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари аъзоларига ҳисобланган ва тўланган тўловлар ҳақидаги маълумотларни ошкор этишга бўлган талабларини кучайтирилганлиги Ўзбекистонга «Миноритар инвесторлар ҳимояси» индикатори бўйича 62-ўринга кўтарилиб олиш имконини берди.

Яқунда Ўзбекистон корxonани рўйхатдан ўтказиш (11-ўрин), электр тармоқларига улашиш (27), шартномалар ижросини таъминлаш (39), кредитлаш тизими (55), миноритар инвесторлар ҳимояси (62), мулкни рўйхатдан ўтказиш (73) ва солиққа тортиш (78) йўналишлари бўйича жаҳоннинг биринчи 100 мамлақати қаторидан жой олди.

«Бизнесни юритиш 2018: иш ўринлари яратиш учун ислохотлар» маърузаси Жаҳон банки гуруҳи йиллик нашрининг 15-сони ҳисобланиб, унда тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги тартибга солиш нормалари баҳолаб борилади. Тadbirkorлик фаолияти учун қулай шароит яратиш бўйича жаҳон рейтингини Янги Зеландия бошқармоқда. Шунингдек, кучли бешликдан Сингапур, Дания, Корея Республикаси ва Гонконг (Хитой) жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирилик матбуот хизмати

## «Infolib — 2017» VI миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилаётган тadbirkorлик пойтахти-миз, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ахборот-кутубхона муассасаларидан келган мутахассислар, китобхонлар қатнашмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, Миллий кутубхона директори А.Абдуазизов ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш билан бирга ёшларнинг китобга бўлган эътиборини кучайтириш, мутлола маданиятини юксалтириш борасидаги кенг қамровли ишлар мазмун-моҳиятига алоҳида тўхтади. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 июлдаги «Мазнавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»-ги, 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, ки-

тоб мутлоласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»-ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида «Infolib — 2017» VI Миллий ахборот кутубхона ҳафталиги Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазириликлари ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тadbirkorлик ўтказишдан асосий мақсад аҳолининг ахборот маданиятини юқори даражага кўтариш, мутлолага бўлган эътиборини ошириш, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларга интернет орқали хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва бу жараёнда кутубхоналарнинг ижтимоий-маданий ролини оширишдан иборатдир.

Ҳафталикнинг илк тadbirkorликда Ўзбеки-

стон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев соҳа мутахассислари билан мулоқот қилди.

— Мулоқот доирасида соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш ва истиқболдаги ишларни белгилаб олиш учун ёзма сўровнома ҳам ўтказилди, — дейди Жиззах вилояти ахборот-ресурс маркази раҳбари Р.Одилова. — Шу билан бирга бугунги кунда ҳудудлардаги ахборот-кутубхона муассасалари китоб фондини мунтазам бойитиб бориш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассислар ўқув-маънавий салоҳиятини ошириш, соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришдек долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Берган тақдирларимиз мутасадди ташкилотлар томонидан ахборот-кутубхона фаолиятини тақомиллаштириш бўйича 2018 йилда бажариладиган ишлар режасига киритилиши маълум қилинди.

Мулоқот «Бетгерхонлик — 2017. Халқаро кутубхона ҳамкорлиги: янги

имкониятлар ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги маърифий тadbirkorлик, «Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи» номи китоб тақдимоти, Ўзбекистон халқ бахшиси А.Поёнов, Ўзбекистон халқ артисти Х.Лутфуллаев, шоира У.Абдуазимова билан ижодий учрашувларга улашиб кетди.

Ҳафталик давомида «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси — 2017», «Ислом Каримов асарлари билимдони» танловларининг мамлакат босқичи, шеъринг ва мусиқа кечалари, соҳа мутахассислари ва китобхонлар учун семинарлар, дара сўхбатлари, тренинглар, маҳорат дарслари ҳамда мамлакатимиздаги етакчи нашриётлар билан ҳамкорликда китоблар ярмаркаси, кўрсатмалар, ёшларнинг маънавий билиминини оширишга йўналтирилган тadbirkorлик, фан ва маданият намоёндалари, санъаткор ва ижодкорлар иштирокида ижодий учрашувлар ўтказилди.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА мухбири

## Мактабгача таълим вазирлиги:

# Соҳада янги тизим ва амалиёт жорий этилади

**Пойтахтимиздаги Ёшлар пресс клубида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари иштирокида мулоқот бўлиб ўтди.**

Унда мактабгача таълим вазири Агриппина Шин, халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари мудири, тарбиячилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мактабгача таълим тизими узлуқсиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мутасаддиларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис, болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида бочча тарбияси жуда муҳим ўрин тутди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу масалага доир бир неча йилги таълим ўтказилди, тарихий қарорлар қабул қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 16 август кuni бўлиб ўтган йилги таълим мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазирлик қўйилган эди.

Бу борадаги тахминлар натижасида қисқа вақтда учта йиллик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Уларда мактабгача таълим тизимини комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг барча жиҳатлари белгилаб берилди. Хусусан, янги тузилган Мактабгача таълим вазирлиги олдинги шу соҳа бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармогини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб

олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 19 октябрь кuni мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилги таълим вақтида «Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генотипини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади», деб таъкидлади.

Мулоқотда Президентимизнинг фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, белгилаган чора-тадбирларнинг кўлами ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ҳолати ва уларга болаларни тўлиқ қамраб олиш истиқболлари муҳокама марказида бўлди.

— Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши дунё таърихида ҳали кузатилмаган, — деди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. — Албатта, ўтган йилларда мутасаддилар бу соҳада қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо ўтказилган тахминлар мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг самараси етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Масалан, мутасаддиларда аҳоли нуфуси ортиб борган сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари 45 фоиздан зиёд қисми қамраб олинмаган. Болаларнинг мазкур даргоҳларда қамраб олиниши бугунги кунга келиб атиги 30 фоизни ташкил этмоқда.

Мактабгача таълим тизимининг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини Президентимизнинг бочча тарбиясини оғам бола билан боччага бормасдан боланинг фикрлаш даражаси ўртасидаги фарқ ҳисобидан фикрларидан ҳам билиш мумкин. Дарҳақиқат, бугун мактабгача таълим тизимини қайта қўриб чиқиш ма-

қаси давлат сиёсати даражасидаги масалалардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мутасаддилар таълим соҳасида янги тизимни яратиш ва бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришиш, таълимнинг узлуқсизлигини таъминлаш имконини беради.

Мулоқотда соҳада кузатилаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Президентимиз қарори соҳада янги ўзгаришлар жараёнини бошлаб берди, — деди Тошкент вилояти Заңига туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси мудири У.Ашрапова. — Унда мактабгача таълим тизими тармогини кенгайтириш, муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, бунда ривожланган давлатлар таърихисини ҳисобга олиш каби муҳим вазифалар белгиланган. Эндиликда болаларни боччаларга қамраб олишнинг мутлақо янги ва мақсадли дастурлари ҳаётга жорий этилади. Қарорда соҳада фаолият юритаётган кадрларни моддий рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бизга бўлган эътиборнинг юксак намунаси бўлди.

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш даражаси пастлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермасди. Мактабгача таълим вазирлиги бу борада ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлишини маълум қилди. Соҳа ходимларининг иш ҳақи оширилиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар кўрилади. Бундан кўндаланга мақсад — болаларни тарбиялаш ва соҳани ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассисларни жалб қилишдир.

Бугунги кунда мутасаддиларда мавжуд 4 минг 893 та давлат мактабгача таълим муассасасида 706 мингдан зиёд бола қамраб олинган. Ушбу соҳада ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган 57

мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этади. Бу болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш бўйича комиссия зиммасига мактабгача таълим тизимининг олий маълумотли кадрларга эҳтиёжини ҳудудлар бўйича ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра педагогик йўналишга ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига мақсадли қабул квоталари бўйича тақлифлар тайёрлаш вазифаси қўйилганининг сабаби ҳам шунда.

— Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари Собитхон Турғуновнинг қайд этишича, бугун янги вазирлик юқори малакали педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш, соҳада ишлаётган раҳбарларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармогини кенгайтириш орқали соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этишни ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилади.

Президентимизнинг шу йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида соҳада давлат-хусусий шериклик механизмлари илк бор жорий этилади. Бунда хусусий секторлар солиқ, бож тўловларида, узоқ муддатли ва мақбул шартларда кредитлар олиш каби қатор имтиёزلарга эга бўлади. Бундай сый-ҳаракатлар туфайли мактабгача таълим муассасаларида ҳаммабоб нархлар таъминланади. Олис ҳудудларда ҳам 5-6 ёшли болаларни мактабгача таълим муассасаларида тўлиқ қамраб олиш ва уларни мактабга тайёрлаш учун мамлакатимиз ҳудудларида қўшимча 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринли давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари барпо этилади, қисқа муддатли — 3-4 соатли гуруҳлар фаолияти янада кенгайтирилади. Замонавий таълим-тарбия усулида олиб борилган машғулотларда ўқув-методик ва дидактик адабиётлардан кенг фойдаланган

ҳолда тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражасини янада юксалтириш кўзда тутилган.

Соғлом авлод тарбиясида тўғри овқатланиш ҳам муҳим саналади. Тадбирда мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида овқатланишини таъминлаш, ёш хусусиятларини инобатга олиш, бунда юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва жалб этиш борасидаги ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

— Мактабгача таълим муассасаларига тайёр ва ярим тайёр озиқ-овқатларни етказиш тизимини қайта қўриб чиқилмоқда, — деди С.Турғунов.

— Бу жараёнда узлуқсизликни, белгиланган стандарт ва сифатни таъминлашга катта эътибор қаратилди. Шу боис соҳага тадбиркорлар ҳам жалб қилинади. Мутахассислар озиқ-овқатларнинг фойдали элементларга бойлиги, шифокорлар болаларнинг ўсиш суръатларини кузатиб боради.

Мактабгача таълим вазири ўринбосари Гулчехра Йўлдошева тизимда очилган таъминлаш мақсадида ҳар бир муассасадда Мактабгача таълим муассасаси кенгаши ташкил этилишини таъкидлади. Унинг таркибига педагогик кадрлардан ташқари маҳалла фаоллари, ота-оналар, Ёшлар иттифоқи фаоллари ва манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари жалб этилади. Мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш, тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигининг веб-сайти ишга туширилади.

Тарбиячи ва болалар учун янги ўқув-методик ва дидактик адабиётлар нашр этилади. Мактабгача таълим муассасаларига малакали шифокорлар, дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, санитария-гигиена воситалари ажратилади. Шунингдек, таълим муассасалари босқичма-босқич замонавий ахборот-коммуникация технологияларини зарур техника воситалари билан таъминланади.

Мухтасар айтганда, Президентимиз томонидан болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, уларни интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан ривожланган этиб тарбиялаш бўйича замонавий тизим яратиб берилди. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида бу борада ишлар бошлаб юборилди.

Анжуман иштирокчилари мутасаддиларнинг истиқболлари, соҳага оид янгилик ва ўзгаришлар ҳақидаги саволларига жавоб олди.

**Улугбек ШОНАЗАРОВ,**  
ЎЗА мухбири

## Ўз болангни ўзинг асра

**Пойтахтимиздаги Ёшлар пресс-клубида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, улар маънавият ва эътиқодини мустаҳкамлаш йўлида гов бўлаётган салбий иллатларни бартараф этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, Ёшлар иттифоқи, маҳалла институти мутасаддилари, профес-

сор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида 2016 йил 15 сентябрда кучга қирган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун мутасаддилар таълим, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиликнинг олдини олиш борасидаги ишлар самардорлигини оширишга муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар билан ишлаш бўйича яратилган тизим

уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиб, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, муаммоларини ўрганиш ва орзу-истакларини рўйбга қиқаришга хизмат қилаётир.

Ёшларимиз бугун нималар билан банд? Қандай юксак марраларни эгалламоқда? Уларни қандай муаммолар уйлантиради? Давра суҳбатида шу каби саволларга жавоб изланди, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларимизни турли ёт ғоялардан асраш, «ойла — маҳалла — таълим му-

ассасаси» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг масъулиятини янада ошириш жуда муҳим эканлиги айтиб ўтилди.


Зеро, бугунги замон ҳар биримиздан ўта ҳушёрликни, масъулият ва ватанпарварликни талаб этмоқда. Фарзандларимизни асраб-авайлаш, уларни юксак маънавият, юрт қорига ярайдиган авлод этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Ўз болангни ўзинг асра, деган давъаткор шир бугунги кун талаби экани яна бир бор таъкидланди.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**М.ҚОСИМОВА,**  
ЎЗА мухбири

2017-yil 1-noyabr, № 87 (9048)

"Ma'rifat" gazetasi saҳifalarida mamlakatimiz taъlim tizimini takomillaštirish, taъlim-tarbiya sifati tizimini yuksaltirish, tizim xodimlari, ўqituvchi va ўquvchilarning manfaatlarini химоя қилишга доир қатор таҳлилий-танқидий мақолалар чоп этиб борилмақда. 2017 йил 16 августда Наманган вилоятидаги бир нечта мактаблар мисолида эълон қилинган "Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ мактаблар" мақоласида ҳам таълим муассасалари манфаатлари химоя қилиниб, давлат бюджетидан етарлича маблағ ажратилган бўлишига қарамай қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатсиз бажариб, ёш авлоднинг чуқур таълим-тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратишга ҳов бўлаётган қурилиш ташкилотлари танқидга олинган. Аммо мақоладаги танқидий фикр ва фактларга тегишли қурилиш ташкилотлари эмас, негидир вилоят ҳалқ таълими бошқармаси жиддий эътироз билдирди. Бунини шу йилнинг 21 август санасида Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан тахририятга юборилган 04/2-2121-сонли эътироз хати кўрсатиб турибди.



Tanqiddan so'ng

тахририятга йўллаган хатидаги фикрларга зид келмақда. Агар Ф.Ақбаровнинг мақоласида келтирилган фактлар асоссиз бўлса, нега МЧЖ раҳбари мактабда юзага келган нуқсонлар Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 395-сонли қарорига мувофиқ, вилоят инжиниринг компаниясида сақланиб турган 5 фойзлик маблағ ҳисобидан тўлиқ бартараф этиб берилганини билдирган?

Қолаверса, мактаб директори Н.Каримова вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси директори Б.Нурматовга ёзган ташаккурномасида мақолада акс эттирилган нуқсонлар мактаб жамоаси кучи билан эмас, балки бош пудратчи "Ровустон қурилиш сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан 5 фойзлик кафолат маблағи ҳисобидан тўла бартараф этиб берилганини қайд этган. Бу эса ҳақиқатан ҳам мактаб биносида мақолада келтирилган нуқсонлар бўлганини кўрсатади.

50-мактаб директори Н.Каримова ва унинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Р.Қосимова ҳам тушунтириш хатида Ф.Ақбаровнинг мактабга келганини қайд этган.

Поп туманидаги 19-мактаб директори Ф.Қуролова ва мактабнинг 240 ўринли ёндош биноси қурилишини олиб бораётган "Соҳмон дизайн сервис" хусусий корхонаси иш бошқарувчиси Р.Шоматовлар мақолада йўл қўйилган камчиликлар ҳаққоний акс эттирилганини тасдиқлаб, тахририятга билдиришнома юборишган.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан 21.08.2017 йилда юборилган 01-04/2-2121-сонли хатдаги эътирозлар журналистнинг журналистлик фаолиятига асоссиз аралашуш билан тенг бўлиб, бу "Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида"ги (1997 йил 24 апрель) Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига зиддир.


Аслида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг обyekтни топшириш-қабул қилиб олиш чоғида таълим муассасасида тuzилган махсус комиссия ишлар қай даражада сифатли бажарилганини кўриб, текшириб, ҳаммаси талаб даражасида эканлига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина фойдаланиш учун қабул қилиб олиши зарур. Афсуски, айрим мактаб раҳбарларининг бу борада етарли билимга эга эмаслиги ёки бепарварлиги юқоридаги каби муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмақда.

ТАХРИРИЯТ


Янги мактаблардаги нуқсонлар

мақола чоп этилгач бартараф қилинди

Logo and header information for 'NAMANGAN VILOYATI XALQ TA'LIMI BOSHQARMASI' and 'NAMANGAN REGION ADMINISTRATION OF STATE EDUCATION'. Includes contact details and a date stamp '21.08.2017'.



Ўқитувчи оралиги сервис масъулияти чекланган жамияти таърифи тўғрисида 2017 йил 12 августда чоп этилган "Соҳмон дизайн сервис" мақола тўғрисидаги эътироз хати.



Ўқитувчи оралиги сервис масъулияти чекланган жамияти таърифи тўғрисида 2017 йил 12 августда чоп этилган "Соҳмон дизайн сервис" мақола тўғрисидаги эътироз хати.

Official document titled 'BILDIRISHNOMA' (Statement) with a date stamp '06.09.2017'. It contains text regarding the article and official signatures.

Айтиш жоизки, мақолада Наманган вилоятидаги айрим мактабларда 2016 йил Инвестиция дастури асосида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларидаги камчиликлар тўғрисида сўз юритилган эди. Вилоят халқ таълими бошқармасининг хатидаги эътирозлар тахририят томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Хатда "Daryo.uz" сайтида 2017 йил 17 августда эълон қилинган "Намангандаги сирти ялтироқ, ичи қалтироқ мактаблар" сарлавҳали мақола юзасидан эътироз билдирилиб, мақола муаллифи "Ma'rifat" газетасининг Наманган вилоятидаги мухбири Фанишер Ақбаровга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора кўриш сўралган.

Ўрганиш жараёнида хатдаги "Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги республика "Ma'rifat" газетасининг Наманган вилоятидаги мухбири Фанишер Ақбаров томонидан 2017 йилнинг 17 августда "Daryo.uz" ижтимоий тармоғи орқали "Намангандаги сирти ялтироқ ичи қалтироқ мактаблар" мақоласи эълон қилинган бўлиб, ушбу мақолада Наманган шаҳрида жойлашган 2016 йил Инвестиция дас-

тури асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган умумтаълим мактаблари тўғрисида сўз юритилган" жумласи бахтсалаб экани маълум бўлди. Чунки назарда тутилаётган "Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ мактаблар" мақоласи ҳақиқатан ҳам "Ma'rifat" газетасида 16 августда чоп этилган. Орандан бир кун ўтиб эса мақола "Daryo.uz" сайтида кўчириб босилган. Фақат сайтда мақола сарлавҳасига "Намангандаги" сўзи қўшилган. Бундан кўринадики, "Daryo.uz" сайтига нисбатан эътироз "Ma'rifat" газетаси тахририятига юборилган.

Шунингдек, текшириш натижалари хатдаги эътироз ва талаблар ҳам асоссиз эканини, фактлар чуқур таҳлил қилинмаганини кўрсатди.

Жумладан, "Ушбу мақола юзасидан мактаб директорлари ҳамда мақолада номлари келтирилган раҳбар ва ходимлар билан суҳбатлашилганда, мақола муаллифини умумтаълим мактабларига бормаганлиги, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарлари билан суҳбатлашмаганлиги, мақолада келтирилган маълумотлар эса асоссиз эканлигини ўз тушунтириш хат-

ларида баён қилишди" мазмунидagi эътирозга асосан илова қилинган тушунтириш хатлари ўрганиб чиқилганда куйидагилар аниқланди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг қурилиш бўлими мутахассиси Ф.Асрақулов ўз тушунтириш хатида Ф.Ақбаров билан Наманган шаҳрида 2016 йилда Инвестиция дастури асосида қурилган мактаблар (50-, 44-мактаб), улардаги камчиликлар тўғрисида гаплашмаганини билдирган. Аслида ҳам Ф.Асрақуловнинг интервьюсида 50-, 44-мактаблардаги камчиликлар тўғрисида бирор сатр ёзилмаган.

Ф.Асрақулов тушунтириш хатининг давомида юқорида келтирилган мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари пудратчилар томонидан тўлиқ ва сифатли бажариб берилганини ёзади. Лекин бу ишлар қачон бажарилганига ойдинлик киритилмаган. Бу саволнинг жавобини "Ровустон қурилиш сервис" МЧЖ (50-мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борган, раҳбари Д.Насреддинов) томонидан 2017 йил 17 августда "Ma'rifat" газетаси тахририятига юборилган хатдан

олиш мумкин: "...мақола чиқмасдан аввал ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида жамият масъулари томонидан обyekтга малакали ишчилар жалб этилиб, мактаб маъмурияти томонидан белгиланган ишлар тўлиқ ва сифатли бажариб берилган". Бундан мақола тайёрланаётган вақтда юқоридаги камчиликлар ҳақиқатан ҳам бор бўлган, деган хулоса келиб чиқади. Бу эса вилоят ХТБ бошлиғи имзолаган хатдаги "мақолада келтирилган маълумотлар асоссиз эканлиги" ҳақидаги даъвои рад этади.

Шунингдек, 50-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Р.Шомирбоева ёзган тушунтириш хатидаги "2017 йил 28 июль куни 'Ma'rifat' газетасининг мухбири Ф.Ақбаров мактабга келди", деган жумла бошқарманинг "...мақола муаллифини умумтаълим мактабларига бормаганлиги, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарлари билан суҳбатлашмаганлиги" ҳақидаги "далил" ини инкор этади. Бундан ташқари, Р.Шомирбоеванинг "мақолада келтирилган фактлар асоссиз ёзилган", деган жумласи "Ровустон қурилиш сервис" МЧЖнинг

## Ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигининг муҳим омиллари

Пойтахтимизда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори вази фасини бажарувчи Л.Сувонов ва бошқалар "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг 19-бандида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, улар олдига ташкилотлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, веб-сайтларини мунтазам янгиллаб бориш, жамоатчилик билан алоқани таъминлаш каби муҳим вазифалар қўйилганини таъкидлади.

— Оммавий ахборот воситалари ўртасида кучли рақобат муҳити шаклланаётгани ахборот хизматларини янада фаол ишлашга ундамоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Шахриёр Мансуров. — Ахборот хизматларининг ОАВ билан ҳамкорлик қилишида замонавий ва изчил механизмларни ишлаб чиқиш буғуннинг долзарб вазифасига айланган. Мазкур тадбир шу каби масалалар ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбир иштирокчилари давлат ҳоки-

мияти ва бошқаруви органларида ахборот ишининг ўзига хос жиҳатлари, матбуот хизматларининг асосий мақсад ва вазифалари, турли оммавий ахборот воситалари билан ишлаш принципларини муҳокама қилиш, пресс-релиз тайёрлаш қоидалари, матбуот анжумани ва брифинглар ўтказиш каби қатор масалалар бўйича назарий биланларга эга бўлади.

Шунингдек, ўқув давомида медиа-лойиҳалар тайёрлаш, ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилишга доир қонунчилик шарҳи, ахборот хизматлари томонидан жамоатчилик ва ОАВ вакиллари учун тадбирлар ташкил этишининг самарали услублари каби масалаларда амалий машғулотлар ташкил этилади.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
ЎЗА мухбири

### Yangiliklarda yurt nafasi



30 октябрь куни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг "Самарқанд – Истанбул – Самарқанд" йўналиши бўйича мунтазам ҳаво қатнови илк бор амалга оширилди.

Самарқанд халқаро аэропортида шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Самарқанд шаҳар ҳокими Ф.Раҳимов, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бошқарма бошлиги Н.Аюпов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Туркияга амалга оширган давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда, жумлаан, фуқаро авиацияси бўйича ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш борасида муҳим қилишларга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Ушбу йўналишдаги парвозлар ҳозирча ҳафтанинг душанба кунинда амалга оширилмақда. Шу йил 16 ноябрдан бошлаб эса пайшанба кунлари ҳам бунга қўшилиди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси янги йўналишда йўловчиларга "Airbus A320" ва "Boeing 757" замонавий ҳаво лайнерлари орқали хизмат кўрсатади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг саҳнида 180 га яқин йўловчи бўлган "Boeing 757" ҳаво кемаси Самарқанд халқаро аэропортидан Истанбул томон парвозини бошлади ва бу кун миллий авиакомпаниямиз тарихидаги муҳим самалардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Тошкентда 30 октябрь куни "Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой" йўналиши бўйича халқаро автокарвон йўлга чиқди.

Умумий узунлиги 900 километрдан зиёд масофани ташкил этадиган "Тошкент – Андижон – Ўш – Ирқиштом – Қошғар" йўналишининг очилиши Ўзбекистондан Хитойгача бўлган юк ташини харажати сезиларли равишда камайтириш ва вақтини тежаш имконини беради.

Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз азиз давлатлараро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб келган. Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш тенденцияларини давом эттириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатлараро барқарор юксалишга қўмаклашишдан иборат.

— "Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой" йўналишидаги автокарвон билан юкларни ташини учун ўртача икки кун талаб этилади, — деди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг бўлим бошлиги Бахтиёр Одилов. — Илк мартаба амалга оширилаётган автокарвон келгусида ушбу йўналишда истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, янги йўналишлар очиб, юк ташини хавфсизлигини таъминлаш ва уларга қулай шароитлар яратиш тизимини янада ислоҳ этишга хизмат қилади.

Халқаро автокарвон доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой юк машиналари "Тошкент – Андижон – Ўш – Ирқиштом – Қошғар" йўналиши бўйича илк бор йўлга чиқди.

Навоий давлат педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишлаб "Конституция – демократик ислохотлар таянчи" деб номланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда суд ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, давлат идоралари юридик хизмати ходимлари ва адвокатлар, ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Конференцияда Конституциямизнинг қабул қилиниши жамят ва давлат қурилишининг барча баҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизни тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий механизмни яратишга хизмат қилганлиги таъкидланди.

Конференцияда "Конституция — инсон ҳуқуқ ва эркинликларни кафолати", "Ўзбекистон Конституцияси — миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқ тизимининг манбаи", "Конституция — тараққиётимиз ва фаровонлигимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

## Конституция кунига бағишланди

Бухоро вилояти Олот туманида Конституциямизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Конституция – бахтимиз қомуси" шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қарашли ҳарбий қисмлардан бири ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда умумтаълим, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, чегараолди ҳудудидаги "Қирлишон", "Сойинқоровул" ва "Арабхона" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи уюшмаган ёшлар ҳамда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Туман ҳокими Ш.Саломов ва бошқалар Конституциямизнинг тарихий аҳамияти ҳақида тўхталиб, унинг мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамяти барпо этишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юртимизда навқирон авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол ўсиши, жамятда муносиб ўрин эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмақда. Бугунги кунда Олот туманида мактаблар, касб-хунар коллежлари моддий-техник базаси мустаҳкамлашиб бораётир. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, болалар музика ва санъат мактаби, "Баркамол авлод"

марказида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, ўзлари қизиққан тўғарак ва йўналишларда шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Келгуси йилда замонавий "Ёшлар маркази" биноси ҳам фойдаланишга топширилади.

Олотлик ёшлар конституция ҳуқуқларидан фойдаланиш баробарида юрт олдидидаги бурчини англаган ҳолда дахлдорлик ҳисси билан яшамас. Бу чегараолди ҳудудларидаги маҳалла-ларда истиқомат қилувчи ёшларнинг кўнгилли посбонлар тузилмасига бирлашиб, маҳалла оқолиштирилиши таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётганида ҳам намойиш бўлмақда.

— Биз Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида турли давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб, бошқа тарғибот лойиҳаларини амалга оширмақда, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ш.Раҳмонов. — Буларнинг ҳаммаси ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Вилоят санъаткорлари ижросида Ватан, ёшлар, эзгулик ҳақидаги куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача шукҳ бағишланди.

Э.ЁДГОРОВ,  
ЎЗА мухбири

## Илғор ўқитувчилар тажрибаси оммалаштирилди

Шайхонтохур туманидаги 84-умумтаълим мактабида "Кимё фанини сифатли ўқитиш ижтимоий-иқтисодий барқарорлики таъминлаш асосидир" мавзусида ўқув-амалий семинар-тренинг ўтказилди.



Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан ташкил этилган семинарнинг ялпи йиғилишида кимё фани йўналишидаги ютуқ ва камчиликлар, истиқбол режалари муҳокама этилди.

— Шуёба йиғилишларида маҳоратли ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга доир фикрлари тингланди, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг табиий фанлар методисти Шахрибону Бозорова. — Педагогларнинг касбий маҳоратини оширишда бу каби ўқув-амалий семинарларнинг аҳамияти катта. Бир даврага жам бўлган ўқитувчиларнинг тажриба алмашиши учун яхши имконият бўлди.

Б.РИЗОКУЛОВ  
олган сурат.

## Машғулотлар қизиқишни оширмақда

Мактабда ўтадиган ҳар бир тадбир ўқувчиларнинг билиминини оширишга, фанларни пухта ўргатишга хизмат қилади. Октябр ойи давомида филология фанлари туркумига кирувчи фанлар ойлигини мазмунли ўтказиш мақсадида маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларга кенг ўрин берилди.

"Китобхон ўқувчи" танловида барча синф ўқувчилари фаол иштирок этди. Танловда ўғил-қизлар ўқиган бадиий асарлари юзасидан таассуротлари асосида ишчи ёздилар. Яқунда Шохжон Шукруллаев, Мафтуна Умарова, На-

фиса Абдунабиеваннинг ижодий ишлари ғойибликка муносиб деб топилди.

Фан ойлигига бағишлаб деворий газета, рефератлар, расмлар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Тажрибали педагоглар томонидан ёш ўқитувчилар учун янги педагогик технологиялар асосида очик дarsлар уюштирилди.

Тадбирларни мазмунли ташкил этишда она тили ва адабиёт фанлари методбирлашмаси аъзолари, тажрибали фан ўқитувчилари — Жамила Умарова, Марғуба Содикованинг ҳиссаси катта бўлди.

Латофат ҲАСАНОВА,  
Зомин туманидаги 1-ИДУМ директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

2017-yil 1-noyabr, № 87 (9048)

## Нондан сўнг энг муҳими — мактаб

Барча замоналар учун хос ва эскирмас ҳақиқатлар бор. Илм ана шундай кўҳна, кўҳналиги билан ҳам азиз қадрият. Бизни ўстирувчи, фикрларимизга тартиб берувчи ҳам, юракда чарсиллаб учқун олаётган орзуларни нафасда ўт-оловга айлантиришга қодир куч, қудрат ҳам У. Мактаб ҳамиша мана шу эзгу қадриятдан қувват олган, ўғил-қизларни илм исташга чорлаган.

Мактабимиз ташкил топганига бу йил эллик йил тўлди. Эллик йил! Бу рақам бир қарашда оғизнинг бир бурчидан чиқиб кетаверади, бироқ нақ ярим аср ортидаги меҳнат ва фидойиликни тушунмоқнинг ўзи кифоя эмас, уни англаш керак.

**2005 йили мактабимиз янги бинода иш бошлади. Жихозлар: доска, стол-стул, парта... спорт майдончаси — барчаси янги, замонавий. Биламизки, уруғ ёмон шароитда ўсмайди, ўсса — тузукроқ ҳосилга кирмайди, ҳосилга кирса — шира бойламайди. Бугун биз парваршлаётган ниҳоллар эса томири бақувват дарахтга айланажак. Жамиятга нафи тегадиган шахс бўлиб етишаётир. Мактабимизда таҳсил олаётган 913 ўқувчи шу маънода — шунча дарахт. Ҳар бири гуркираб-яшнашга тайёр гўзал манзара. Улар мактабга юрагида бир олам иштиёқ билан чақнаб келади. Ўйлайманки, ана шу "чақноқлик"ни (ҳатто биллиб-билмай ҳам!) сўндиришга ҳаққимиз йўқ.**

Барча илм даргоҳида бўлгани каби бизда ҳам болаларни иқтидор, салоҳиятига қараб ўқитиш услуби бор. Мисол учун, ўқувчилар бошланғич синфни тугатгач, қизиқиши бўйича йўл тутамиз. Кўшимча машғулотларга жалб этамиз. Тилга ўқуви борлар — чет тилига, спортга иштиёқмандлар — спортга, рассомликка мойиллар — тасвирий санъатга...

Мактабимизнинг қадим Хивада қад ростлаб тургани ўқитувчилар учун таълим бериш жараёнини энгиллатади. Ичанқалъада сайр этиб, томошқа қилгулик жойларнинг бисёр экани эса туризм ривожини учун зўр имкон, қолаверса, ўқиб-ўрганишда самарали метод бу. Ҳар икки ҳафтада мактабимиз ўқувчилари Ичанқалъа музейларида тарих, ўлкашунослик бўйича жонли дарс ўтиб келади. Шунда, турган гапки, маълумотлар бола ёдида мустаҳкам сақланиб қолади. Тарихни чет тилида сўзлаб бериш эса ўқувчи луғат бойлигини, таржимонлик салоҳиятини оширади. Бугун Хивада ўсиб-улғаяётган болалар, жумладан, мактабимиз ўқувчилари орасида ҳам сайёҳларни обидалар билан бемалол таништириш савиясига эгалари бор.

Ўзи, бир синфда 25–30 бола ўқийдиган бўлса, ҳар фанга қизиқувчи беш-олти лидер чиқади. Математикага иштиёқи борларни адабиёт оламига олиб кириш қийин баъзида, био-

логиядан "беш"га ўқийдиганларни физикага "ўргатиш" муаммо ва ҳоказо. Ана шундай пайтларда ўқитувчида билим ва тажриба, мактабнинг ўзида эса илмга етакловчи муҳит шаклланган бўлса айна мударо. Ўқитувчи фақат билимдонлар билан шуғулланавермасдан, "иккичи"ларга ҳам эътибор қаратиши шарт. Улар тафаккурида қандай қобилиятлар биқиниб ётгани бизга маълум эмас. Ана ўша яширин қирраларни очиш ўқитувчидан меҳнат ва яна меҳнатни талаб этади. Шунинг учун ўқитувчида кўмақдошлик ҳаваси бўлиши керакки, эртага ўқувчиси олимпиадада голиб бўлса ёки ўқишга кириб ҳаётда ўрнини топса, ҳақиқий бахт шу.

Вазифани бир айтгандан "илиб" оладиган ўғил-қизларга имкон қадар мураккаб, қийинроқ масалалар бериш ўринли. Уларни бир масала устида узоқ қолиб кетмасдан, тезкорликка ўргатиш муҳим. Топшириқ моҳиятини тушунишда сустроқлари билан мулоқотга киришишда эса ёндашувни бошқача олиб борган маъқул. Ўзлаштириш қобилиятдан келиб чиқиб уларга вазифа тайинлаш самаралироқ. Негаки, керагида ошиқ "юк" уларга оғирлик қилади. Соддан мураккабга интилиб, қобилияти юксалиб борса, бу ўзини оқлайди.

Бугун мактабимизда 17 номда фан тўрагаги мавжуд. "Еш математик", "Еш биолог", "Еш физик"... Уларда ўқувчилар илм билангина чекланиб қолмасдан, тарбия бобида ҳам ўзига хос сабоқ чиқаради. Тарбия дейилганда албатта бола тепасида туриб ўргатишни тушуниш — оқилнинг иши эмас. Сўнгра, уни Шарқ Фарб деб кутблш ҳам нотўғри. Дунёнинг қай бурчи бўлмасин, тарбиянинг мазмун-моҳияти ўша-ўша. Фақат ёндашувлар фарқлиниши мумкин, холос. Японлар бу борада кўпроқ ҳаётини нақлларга юзланади. Мисол учун, фарзанди илк сўзни айтганида унинг ёнида бўлмаган онани бахтсиз санашади улар. Ўғил-қизининг ўз-ўзига ойна тутайди, ўзганинг боласи билан таққосламайди. Яъни, фарзанди бугун мактабдан "тўрт" олиб қайтган бўлса, "Нега беш эмас, фалончининг ўғличаллик ҳам бўлмадингми" демайди. Аксинча, "бугун тўрт олибсан, ҳаракат қилсанг, эртага беш оласан", деб руҳлантиради. Тарбияда бундай намунани ҳар қанча ўзлаштирсанг арзийди.

Эътибор берсак, ота-оналар кейинги вақтда ўқитувчи танлашга киришди. Бир фандан уч ўқитувчи бўлса агар ўша мактабда, "Мен ўғлимни фалончи ўқитувчига бераман", деб бошлади. Бир жиҳатдан, бу қувонарли ҳол. Чунки ота-она фарзанди келажаги ҳақида қайғурмоқда. Бошқа томондан олиб қаралса, қарс икки кўлдан чиқади. Яъни, минг мажбурламайлик, аввало, ўқувчининг ўзида ҳам илмга иштиёқ бўлиши керак. Ана шунда кўзлаган мақсадга тез ва осон эришилади. Токи, илм биз учун нондек эҳтиёжга айлансин.

**Махдум МАШАРИПОВ,**  
Хива шаҳридаги 9-мактаб  
директори



## Kasaba uyushma hayotidan

Устозларни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш шогирдларнинг маънавий бурчидир. Бу қариллик гаштини суратган нуруний инсонларнинг кўнглини тоғдек юксалтиради. Жижзах давлат педагогика институти меҳнат фахрийси, тарих фанлари доктори Ҳайитбой Ҳайдаров хонадонидан бир гуруҳ ҳамкасблари меҳмон бўлишганда устоз росмана қувонди. Институт касаба уюшма кўмитаси вакиллари ва шогирдлари унга қимматбахо савгалар тақдим эттиди. 40 йил мобайлида институтда талабаларга дарс берган домланинг бундай эътибордан боши осмонга етди. Эзгулик йўлида қилинган меҳнатларинг қадрини топса, касбдошларинг ҳолиндан хабар олиб турса, бундан катта бахт борми? Ҳамкасблар ташрифидан устоз қайтадан ёшаргандек бўлди. Яратганга қайта-қайта шукроналар айтди.

## Ижтимоий кўмак — қўшимча рағбат

Таълим муассасаси касаба уюшма кўмитаси нафақат фахрийларни, балки ҳозир меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни ҳам қўллаб-қувватлаш, мўътадил меҳнат шароити яратишда жонбозлик кўрсатаётир. Ижтимоий шерикчилик асосида меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини янада ошириш, ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

— Институт маъмурияти бизга ҳар томонлама қулай шароит яратиб бермоқда, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Дилшод Очилов. — Раҳбарият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган шартнома иш берувчига ва институтнинг барча профессор-ўқитувчилари, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимлар ва талабаларга татбиқ этилмоқда. Маъмурият ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва қабул қилинган дастурларни бажариш учун жамоани моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб келмоқда. Ходимлар ва талаба ёшлар учун техника хавфсизлиги, жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тегишли чоратadbирлар ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, таълим даргоҳида ўтган йиллар мобайлида ходимлар касб касаллигига учрамади, бахтсиз ҳодисалар қайд этилмади.

**Педагоглар саломатлигини мустаҳкамлаш ва барқарор меҳнат муҳитини ташкил этишда спорт-соғломлаштириш тадбирларининг ўрни катта. Бундай тадбирларга жамоанинг кенг миқёсда жалб этилаётгани қувонарли ҳолдир. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ўтказилаётган мусобақалар, хаваскор велоспортчилар ўртасидаги "Касаба-тур" веломарафонидан олий таълим даргоҳи вакиллари муваффақиятли иштирок этишмоқда. Шунингдек, институтда спортнинг кўплаб турлари бўйича ички мусобақалар ўтказиш анъанага айланган.**

Республикаимизнинг диққатга сазовор масканларига саёҳат ташкилла этилаётгани кўпчиликка манзур бўлмоқда. Масалан, Самарқанд шаҳрига зияратга юз нафардан ошиқ киши борди. Педагог Илхом Фармоновнинг таъкидлашича, бундай тадбирлар мамлакатимиз тарихини чуқур ўрганиш, уни талабаларга сўзлаб беришда қўл келади.

**Қирк нафардан кўпроқ ходим даволашни, саломатлигини тиклаш ва дам олиш учун турли сихатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. Ижтимоий ҳимоя қандай кўринишда бўлмасин, инсон омилига эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Институтда таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандлари, ўқиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этган тўрт нафар талаба касаба уюшма стипендиясини олишга муваффақ бўлди.**

— Бундай стипендияга сазовор бўлганим кўшимча рағбат бўлди, — дейди мактабга таълим бошланғич таълим йўналиши 2-бошқич талабаси Элбек Баракаев.

Касаба уюшма кўмитаси меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида доимий равишда тарғибот ишлари олиб бормоқда, семинарлар ўтказмоқда. Бош қомусимизнинг 59-моддасида "Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар" дейилган. Институт касаба уюшма кўмитаси ана шу тамойил асосида иш юритишга ҳаракат қилмоқда. Унинг тизим миқёсда ўтказиладиган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олиши ташкилотнинг замон билан ҳамоҳанг қадам ташлаётганидан дарақдир. Бу каби ютуқлар жамоа зиммасига катта масъулият юкламоқда, одамлар дарди билан яшашига ундамоқда.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

# Жаҳоннинг энг ёш гроссмейстери — Ўзбекистондан!

29 октябрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида низоҳасига етган Михаил Чигорин хотирасига бағишланган халқаро турнирда ўзбекистонлик 13 ёшли шахматчи Нодирбек Абдусатторов учинчи бор халқаро гроссмейстер талабини бажарди!

9 имкониятдан 6,5 очко жамғарган (5 галаба, 3 дуранг, 1 мағлубият) истеъдодли шахматчимиз Д.Беленкая (Россия, 2343), С.Сетураман (Хиндистон, 2632), Е.Левин (Россия, 2545) сингари халқаро гроссмейстерларни мағлуб этиб, Е.Воробьев (Россия, 2555), А.Тимофеев (Россия, 2549), Е.Алексеев (Россия, 2622) каби гроссмейстерлар билан дуранг ўйнади ва натижада учинчи мартаба белгиланган талабини бажариб, халқаро гроссмейстер унвонига эришди.

Нодирбек ўтган йили октябрь ойида худди шу халқаро мусобақада илк бор халқаро гроссмейстер нормасини бажарган эди. Ушунда Бенжамин Бок (Голландия, 2594), Кирилл Стулак (Беларусь, 2564), Александр Файер (Бразилия, 2614) каби таниқли гроссмейстерлар мағлуб этилган бўлса, Владислав Ковалев (Беларусь, 2609) ва Санан Соғиров (Россия, 2660) билан дуранг ўйнаган эди.

Шу йил август ойида иккинчи бор гроссмейстерлик балларига эга бўлган БААнинг Абу Даби шаҳри мезбонлик қилган халқаро турнирда Нодирбек М.Андерсен (Дания, 2586) ва Л.Пайчадзе (Грузия, 2581)ни мағлуб этиб, Салим Солиҳ (БАА, 2624), Константин Лупулеску (Руминия, 2637) ва Кирилл Стулак (Беларусь, 2573) билан дурангга эришган эди.

Эътибор берсангиз, бу уч мусобақада ёш шахматчимиз 2 марта рейтинги 2600 балдан юқори бўлган гроссмейстерларни мағлуб этиб, 5 марта дурангга эришган. Илк бор 9 ёшида гроссмейстерларни мағлуб эта бошлаган Нодирбек 13 ёшида ўзи ҳам мана шундай юксак унвонга эришди. Таъкидлаш жоизки, истеъдодли ўзбек ўрлонининг бу муваффақияти жаҳон шахмати тарихида иккинчи натижадир! Бу борада у Магнус Карлсен, Фабиано Каруана, Уэсли Со, Максим Вашье-Лаграв, Вей И, Юй Яньи, Аниш Гири каби бугунги жаҳон шахмати етакчиларини ортада қолдирди. 2004 йил 18 сентябрда туғилган Нодирбек 13 ёшга тулмасдан халқаро гроссмейстер даражасига эришган бўлса, фақатгина россиялик Сергей Карякин ундан олдинроқ, яъни 12 ёшу 7 ойлик бўлганида гроссмейстер бўлган.

Жаҳон шахмати тарихига ўз номини муҳрлаб қўйган, аини дамда халқаро мусобақалардаги иштироки хорижлик етакчи мутахассислар томонидан синчковлик билан кузатиб борилган ва эътироф этилаётган ("Nodirbek Abdusattorov, el genio uzbeko de 11 anos que amenaza el reinado de Magnus Carlsen"— "Нодирбек Абдусатторов, Магнус Карлсен ҳукронлигини таҳликага солган 11 ёшли ўзбек даҳоси"— lavanguardia.com; "Course au record" — "Рекорд сари йўл" — echiquier-bordelais.fr, "Nodirbek Abdusattorov: The next Kasparov?" — "Нодирбек Абдусатторов: навбатдаги Каспаровми? — chess.com ва ҳоказо) Нодирбек Абдусатторов ўзбек шахмати ривожига улкан туртки берди, десак, ҳеч муболага бўлмайди.



Нодирбек Абдусатторов фақат ўзбек шахмати тарихида эмас, балки жаҳон шахматида муносиб изқолдиришга қодир шахматчи. Яқин келажақда у жаҳон чемпионлиги учун кураша оладиган мавқега кўтарилишга ишонамиз.

Бунинг учун Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ўзбек шахматининг олтин авлоди бўлишга даъвогарлик қилаётган бу иқтидор эгаларига яратилаётган имкониятларини янада кенгайтириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ.

Ушбу хотира турнирида яна 4 нафар ёш шахматчимиз дона суриб, ўзига хос натижаларга эришди. Жумладан, шахмат фестивали доирасидаги тезкор шахмат (блиц) мусобақасида 15 ёшли халқаро тоифадаги спорт устаси Нодирбек Ёқуббоев 1-ўринга сазовор бўлди! Мусобақада 24 давлатдан 33 нафар халқаро гроссмейстер иштирок этганини ҳисобга олсак, хозирги кундаги ўзбекистон шахматчи тарихида энг кўп — 32 нафар ёш шахматчимиз боргани ҳам исботлайди.

Айни дамда жаҳоннинг энг ёш гроссмейстери бўлган шахматчимиз ҳақида мураббийи, халқаро гроссмейстер Дмитрий Қаюмов шундай фикр билдирди:

— Нодирбекни 7 ёшдан буён шуғуллантириб келмоқдаман. Ўтган 5-6 йил давомида у ҳар қандай спортчи ҳавас қилгулиқ натижаларга эришди. 45 йиллик фаолиятим давомида бир неча халқаро гроссмейстер ва халқаро мастерларни етиштирдим. Лекин бундай истеъдодни биринчи қиришим. Аъло даражадаги хотира, оташин иштиёқ, тиришқоқлик ҳамда ҳар бир партияда фақат галабага интилиш — бу хислатлар ҳар доим ҳам бир инсонда мужассам бўлавермайди.

Жумладан, 2018 йили бўладиган навбатдаги бутунжаҳон шахмат олимпиадасига Рустам Қосимжонов бошичилигида ушбу шахматчиларимизга ишонч билдирилса, улар учун катта тажриба мактаби бўлура эди. Яқин келажақда бу ишонч уларга қанот бағишлаб, келгуси йирик мусобақаларда, албатта, натижа беради.

Яна бир муаммо — истеъдодли ёш шахматчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларида иштирокини таъминлаш масаласидир. Маълум бўлишича, ёш шахматчиларимиз Санкт-Петербургда ўз ҳисобларидан бориб келган... Шахмат буйича жаҳон чемпиони бўлиш бошқа спорт турларига қараганда жуда қийин, Шунинг учун ҳам Италия, Япония, Жанубий Корея, Туркия сингари бир қатор ривожланган давлатлардан ҳали бирон ёш тоифасида бўлсин, жаҳон чемпиони этишиб чиқмаган. Катталар ўртасида-ку жаҳон шахмат тожини кийиш 130 йил мобайнида бор-йўғи 20 нафар шахматчига насиб этган, ҳоло! Шукрки, болалар ва ўсмирлар ўртасида бизда Шамсиддин Воҳидов ва Нодирбек Абдусатторов, катталар ўртасида эса Рустам Қосимжоновдек жаҳон чемпионлари бор! Биз бундан гурурланишимиз, кадрлашимиз ва, айниқса, ёш чемпионларимиз шахматчи сифатида янада ўсиши, маҳоратини ошириши учун барча шароитларни яратиб беришимиз лозим.

Бугун жаҳон спортда катта-катта маблаг айлантаётгани ҳаммага маълум. Спорт мамлакат нуфузини ошириш, шаънини улуғлаш, миллат ор-номусини, гурурини ҳимоя қилишдан ташқари, йирик бизнес воситасига ҳам айланган. Миллионер теннисчи, боксчи, футболчи, гольфчи ва жокейчилар ҳақида ҳаммамиз биламиз. Аммо шахматда вазият бироз бошқачароқ. Шахмат биз-

нес нуктаи назаридан бошқа кўплаб спорт турларидан кўра жозибасизроқ. Шахмат орасидан кўп-кўп пул топиш учун камида 2600 рейтинг балига эга ёки содда қилиб бўлиш лозим. Мана, Рустам Қосимжонов Германиянинг "OSG Баден-Баден" клубида бундеслигада иштирок этади ва табиийки, яшнгина ҳақ олади. Қолаверса, Европада шахмат инфратузилмаси ривожланган бўлиб, тижорат турнирлари, мўмайгина соврин жамғармасига эга турнирлар кўплаб ўтказилади. Клублар ўртасида мамлакат ва қитъа чемпионатлари йўлга қўйилган. Етук гроссмейстерлар бақувват фирма ва компаниялар билан ҳомийлик шартномалари тузган бўлиб, бу уларга қўшимча даромад олиб келади.

Бизда эса ҳали бундай даражага эрилгани йўқ. Ҳозирча фақат Георгий Аъзамов хотира турнири соврин жамғармасига эга бўлиб, уям бошқа халқаро турнирларга қараганда ҳали анча камтарона — 20 минг АҚШ доллари. Мураббийларга тўланадиган ҳақ ҳам мақтагулик даражада эмас. Шунинг учун ҳам халқаро гроссмейстер Антон Филиппов Олмаотада мураббийлик қилмоқда. Яна бир гроссмейстер ва ажойиб болалар мураббийи Дмитрий Қаюмов бир неча хорижий давлатларда ишлаб келди. Гроссмейстер Сергей Қаюмов ҳам чет элда ёш шахматчиларга сабоқ бермоқда.

Ўзбекистонлик шахматчилардан фақатгина Рустам Қосимжонов (рейтинги —2685) дунё миқёсида энг кучли 100 шахматчи сафида, ҳозир у 60-ўринда турибди. Бошқа шахматчиларимиз эса ҳали кучли юзликдан ўрин ололгани йўқ. Лекин Нодирбек Абдусатторов (2498; 2004), Темур Кўйбоқаров (2468; 2000), Нодирбек Ёқуббоев (2437; 2002), Жавоҳир Синдоров (2406; 2005), Шамсиддин Воҳидов (2404; 2002) каби ёш истиқболли шахматчиларимиз яқин келажақда бундай натижага эришишига умид бор. Бироқ бу умидлар оқланиши учун уларга кенг имконият яратиб бериш зарур. Ҳусусан, уларнинг кўпроқ халқаро нуфузли турнирларда иштирокини таъминлаш лозим. Шунда уларнинг ўз рейтингини ошириш имконияти кенгаеяди.

Нодирбек Абдусатторов ва Жавоҳир Синдоров аини пайтда тенгдошлари орасида дунёда рейтинг буйича 1-рақамли шахматчилар ҳисобланади. Энди улар янада ўсиши учун катталар ўртасидаги мусобақаларда кўпроқ иштирок этишлари лозим. Болалар ўртасидаги турнирлар маҳорати ошиши, истеъдоди чархланиши, рейтингини кўтаришга ҳизмат қилмайди (қитъа ва жаҳон чемпионатлари, ўсмирлар ўртасидаги бутунжаҳон шахмат олимпиадаси бундан мустасно).

Шахматчини мусобақа тоблаиди. Бунинг исботини жаҳоннинг бугунги кундаги энг зўр гроссмейстерларининг ёшлигидаги ва бизнинг истеъдодли ёш шахматчиларимиз фаолиятини таҳқослаш орқали кўриб чиқамиз. Давримизнинг энг зўр шахматчиси Магнус Карлсен 12 ёшида FIDE мастери (FM) бўлган. 13 ёшга тулмасдан, яъни 12-13 ёшларида Карлсен бир йилда деярли ҳар ойда биттадан нуфузли халқаро турнирда иштирок этган. Яна-ям аниқ айтадиган бўлсак, Магнус 2003 йили 9 та, 2004 йили эса 11 та шундай

турнирда ўйнаб, ҳам халқаро мастер (IM) ва халқаро гроссмейстер (GM) талабларини бажарган, ҳам ўз рейтинг балларини анча кўтариб олган.

Энг ёш гроссмейстер сифатида "Гиннеснинг рекордлар китоби"га кирган Сергей Карякин ҳам 10 — 12 ёшларида ҳар йили камида 10 та халқаро мусобақада иштирок этган ва, табиийки, турнирларда эришган муваффақиятлари унинг 13 ёшга тўлмасдан халқаро гроссмейстер унвонига эришишига олиб келди.

Энди ўзбекистонлик ёш иқтидорли шахматчиларнинг халқаро мусобақалардаги иштирокини мамлакатимиз ва хорижлик экспертлар томонидан энг истиқболли порлоқ шахматчи сифатида қаралаётган Нодирбек Абдусатторов (Нодирбек 2014 йил май ойида Георгий Аъзамов хотира турнирида 2 нафар халқаро гроссмейстерни мағлуб этганидан сўнг ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шундай деган эди: "Нодирбек 9 ёшида меннинг 9 ёшимдагидан кўра анча яхши ўйнапти") мисолида кўриб чиқамиз.

Нодирбек 2015 йили 5 та, 2016 йили ҳам 5 та халқаро мусобақада иштирок этган:

2015 йил: Февраль: Tashkent Round Robin халқаро турнири — 1-ўрин. Март: Георгий Аъзамов хотира турнири — 17-ўрин.

Июнь: Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё (3.4-зонаси) биринчилиги. Октябрь: 12 ёшгача болалар ўртасида жаҳон чемпионати (Греция) — 4-ўрин.

Декабрь: Катарнинг Доха шаҳрида бўлиб ўтган "Катар мастерс" халқаро турнири.

2016 йил: Январь: "Москва опен" халқаро турнири (Россия). Апрель: Георгий Аъзамов хотира турнири.

Сентябрь: Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнир — 10-ўрин.

Октябрь: Михаил Чигорин халқаро хотира турнири (Санкт-Петербург, Россия) — 372 иштироки орасида 6-ўрини эгаллаб, халқаро гроссмейстер нормасини бажарди. Декабрь: Мактаб ўқувчилар ўртасида жаҳон чемпионати (Сочи, Россия) — 13 ёшгача болалар ўртасида 2 та олтин медалъ.



## Iqtidorli yoshlar — yurt kelajagi

Демак, Нодирбек Абдусатторов охириги икки йилда 10 та халқаро мусобақада иштирок этган. Шунлардан 2 таси болалар ўртасидаги мусобақа, улардаги иштироки харажатлари давлат ҳисобидан қопланган. 10 та турнирдан 3 таси Ўзбекистонда ўтказилган, қолганлари хорижий давлатларда. Демак, 2 йил давомида Тожикистон, Россия, Малайзия ва Қатарда бўлиб ўтган 5 та халқаро турнирга у ўз ҳисобидан бориб келган. Биргина Қатар сафари онаси ҳам борганлиги учун ёш чемпионолар оиласига 3500 долларга тушган...

Нодирбек Абдусатторовдек салоҳиятли шахматчи учун икки йилда бори-йўғи 10 та халқаро мусобақада иштирок этиш кам, жуда кам. Агар унга шундай имконият олдинроқ яратиб берилганида, яъни бир йилда 10 та халқаро мусобақада иштирок этганида, балки Карякиннинг рекордини янгилаган бўлар эди. Аммо бундан ортинги оила бюджети кўтармайди. Ўзбекистон шахмат федерацияси мутасаддиларининг таъкидлашича, бу борада ёш шахматчиларимизга шароит яратиб бериш лозим бўлган Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ёш шахматчиларни катталар ўртасидаги мусобақаларга юбориш учун маблаг ажратишни рад этиб келмоқда...

Яна бир муаммо. Президентимиз Шавкат Мирзиёев йил бошида Соғлиқни сақлаш вазирига хорижа чиқи кетган малакали тиббиёт ходимларини Ўзбекистонга қайтариш вазифасини юклади. Бу муаммо спортда, жумладан, шахматда ҳам мавжуд. Мана, хорижий давлатларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир жаҳоннинг энг етакчи шахматчиларидан — италиялик Фабиано Каруана, филиппинлик Уэсли Со, япониялик Хиқару Накамура 2-3 йилдан буён АҚШга кўчиб ўтиб, халқаро мусобақаларда ўша мамлакат шарафини ҳимоя қилмоқда. Узоққа бормайлик, 1998 йили 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган самарқандлик халқаро гроссмейстер Иброҳим Ҳамроқуллов анчадан буён Испания, тошкентлик Темур Гареев эса АҚШ байроғи остида дона сурмоқда. Булар-ку катталар ўртасида, ҳозир ривожланган давлатлар ска-

ут ва селекционерлари дунё буйича изғиб, ёш иқтидорларни "овлаш" билан бандлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мана, масалан, қозоғистонлик 2004 йилда туғилган истеъдодли шахматчи Бибишора Асасубоева ўтган йилнинг 1 сентябидан буён Россия шарафини ҳимоя қилмоқда. Қозоғистонда етарлича эътибор ва қўллаб-қувватлашга эришолмаган бу шахматчи қиз Россияга кўчиб ўтганидан сўнг икки ой ўтар-ўтмас 12 ёшгача қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Россия шахмат федерацияси газнасига олтин медал тақдим этди...

Нодирбек Абдусатторов сингари истеъдодли ёшларимизни ўшанақа скаутлардан асраш учун ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаш, халқаро мусобақаларда иштирок этишига ҳомийлар кўмагини жалб этиш лозим.

Мамлакатимизда бундай иқтидорли ёшлар, ҳусусан шахматчилар кўп.

"Истеъдодлар — миллитимиз бойлиги, Ватанимиз фахри, гурури" деган гапларни кўп айтмаз, мақолалар ёзамиз. Улар халқаро доирада ютукқа эришадиган бўлса, телекўрсатув, радиоэшитиришларда бонг урамиз. Аммо уларнинг ва ота-оналарининг саҳна пардаси ортиндаги меҳнатини, чекаётган машаққатларини ҳаммамиз ҳам биллавермаймиз. Уларга ёрдам беришга қурби етадиганлар эса турли бюрократик тўсиқларни енгиб ўтишга қуч, балки хоҳиш тополмайдилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда шахматни янада ривожлантиришга доир давлат дастурини қабул қилиш даври аллақачон келган.

Шунда юқорида тилга олинган, ҳамда шахмат ривожини боғлиқ бошқа яна кўплаб масалалар ечимини топар эди.

Хусан КАРВОНЛИ

### Қуйидаги жадвалда 15 ёшга тўлмасдан халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган шахматчилар ўнлиги билан танишишигиз мумкин:

№	Шахматчи	Мамлакат	Туғилган санаси	GM даражасига эришган ёши
1.	Сергей Карякин	Украина, Россия	12.01.1990	12 ёш, 7 ой
2.	Нодирбек Абдусатторов	Ўзбекистон	18.09.2004	13 ёш, 1 ой 11 кун
3.	Паримаржан Неги	Хиндистон	09.02.1993	13 ёш, 4 ой 22 кун
4.	Магнус Карлсен	Норвегия	30.11.1990	13 ёш, 4 ой 27 кун
5.	Вей И	Хитой	02.06.1999	13 ёш, 8 ой 23 кун
6.	Бу Санчки	Хитой	10.12.1985	13 ёш, 10 ой 13 кун
7.	Самуэль Севян	АҚШ	26.12.2000	13 ёш, 10 ой 27 кун
8.	Ричард Раппорт	Венгрия	25.03.1996	13 ёш, 11 ой 6 кун
9.	Темур Ражабов	Озарбойжон	12.03.1987	14 ёш, 14 кун
10.	Руслан Пономарёв	Украина	11.10.1983	14 ёш, 17 кун



## «Грамматик кимошди савдоси»да

### нарх қандай оширилади?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида янги метод ва усуллари қўллаш, дарс ўтишининг турли шакли ва воситаларидан фойдаланиш, янги педагогик технологияларни жорий этиш ҳар бир ўқитувчи учун дастуриламал бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Шундай экан, ҳозирги кун умумтаълим мактаб ва мактаб-интернатларида педтехнологияларни қўллаган ҳолда савияли дарс ташкил этиш муҳим. Хусусан, она тили дарсларида ўтилган мавзуларни такрорлаш ёки янги мавзунини мустаҳкамлаш босқичида «Грамматик ким ошди савдоси» интерфаол усулидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Усул амалиёти давомида 30–35 нафар ўқувчининг бирарақайишга фаол иштирок этиши методнинг самардорлигидан далолат беради.

Агар бу усул «Диктант тақлили» мавзусида қўллansa, ўқувчи хатолари устида ишлайди, сўзининг тўғри ва нотўғри шакли хотирасида сақланиб қолади. Бунда назорат ишида аниқланган бўшлиқлар устида ишлаш учун ўқитувчи доскага ёки слайдга ўтилган мавзуларга доир 5-6 та гап ёзади. Гапларнинг айримларида имловий, ишоравий ёки услубий хатолар берилади. Ҳар бир гапга турли баллар белгиланади (ёки ёзиб қўйилади). 2–3 гуруҳга бўлинган ўқувчилар маслаҳатлашиб иш қўрадилар. Ўқитувчи биринчи гапни ўқийди ва белгиланган бошланғич бални айтади. Гап гуруҳда ўқувчилар билан таҳлил қилинади, маъқул келса, шу бални қўлга киритишни хоҳласалар, гуруҳлар кўйи-

ларидаги 1, 2, 3, 4, 5 баллар ёзилган карточкалардан бирини кўтарадилар, яъни белгиланган бошланғич балга яна қўйишлари мумкин. Агар тўғри ёзилган гапни танлаган бўлса, белгиланган бал уларага рағбат сифатида қўйилади, ёки аксинча, гапда имловий, ишоравий, услубий хатолар бўлса, бу бал айириб ташланади.

9-синфда «Боғланган қўшма гаплар» мавзусини мустаҳкамлаш мақсадида ва ўқувчиларнинг саводхонлигини синаш учун баъзиларида имловий хатоларга йўл қўйилган қўйидаги гаплардан фойдаланса бўлади:

1. Egrilik insonni qabohatga yetaklaydi, to'g'rilik bo'lsa uni saodatga yetaklaydi (1 ball).

2. Uzoqlardan keng vodiy

quchoqida goh ko'm-ko'k o't bosib yotgan yaylovlar ko'rinadi, goh qop-qorong'i daralar ko'zga tashlanadi (3 ball).

3. So'zning yumshag'i g'azabni so'ndiradi, so'zning qattig'i esa odamni o'ldiradi (3 ball).

4. Qizaloq goh kulumsiraydi, goh chucur o'yga to'ladi (2 ball).

5. Tovus o'zining chiroyli patlarini ehtiyot qiladi, vijdonli odam esa o'zining sharaf-u shonini saqlaydi (1 ball).

6. Bolakay xabarni yetkazish uchun muyilish tomon yugurar va tinmay orqasiga qarar edi (3 ball).

Ўқувчилар биринчи ва бешинчи гапни танласа, бошланғич 1 балл ва оширилган охириги балл уларага рағбат сифатида берилади. Бу гаплар имло хатоларсиз ёзилган. Иккинчи гапда «quchoqida» (quchoq'ida), учинчи гапдаги «yumshag'i» (yumshog'i), тўртинчи гапдаги «kulumsiraydi» (kulimsiraydi), олтинчи гапдаги «muyilish» (muyulish) сўзларида имловий хато мавжуд бўлиб, улар учун белгиланган бошланғич баллар (3 балл) жарима сифатида қўлланади.

Шунингдек, 7-синф ўқувчилари учун мустаҳкамлаш дарсларида услубий хатолар устида ишлаш ва саводхонлигини аниқлашда қўйидаги гап-

лардан фойдаланиш мумкин:

1. Kumush choyshap yopib dalalar, osmon ostida uxlab yotibdi (3 ball).

2. Chiroyli gilam to'shalgandey tog' etagi juda go'zal edi (3 ball).

3. Xalq ertangi kuni yaxshiroq bo'lishini istasa, birlashmog'i, uyushmog'i va haqiqat uchun kurashmog'i kerak (2 ball).

4. Navoiy, Bobur, Mashrab singari jahonga mashhur shoirlar ruhi hamisha bizni insoniy kamolot sari boshlab turadi (2 ball).

5. Bizni ayollar hazrat Navoiyning kulliyotini tokchalarga terib qo'yadilar, g'avvos bo'lib bu ummondan fikr gavharini teradilar (3 ball).

Тўғри ёзилган учинчи ва тўртинчи гаплар учун бошланғич 2 балл ва оширилган охириги балл ўқувчиларга рағбат сифатида берилади. Биринчи гапда «choyshap» (choyshab), иккинчи гапда «to'shalgandey» (to'shalganday), бешинчи гапда «bizni ayollar» (bizning ayollar) каби сўз ва қўшимча қўллашда услубий хатолар мавжуд бўлиб, улар учун белгиланган бошланғич баллар (3 балл) жарима сифатида қўлланади.

Кўринадики, «Грамматик ким ошди савдоси» интерфаол усули ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини синайди, им-

ловий, ишоравий, услубий хатолар устида ишлаш кўникмасини шакллантиради. Тарбиявий ва ривожлантирувчи аҳамияти эса энг керакли пайтда тўғри қарор қабул қилиш, ҳамкорликда ишлашга ўргатади. Жараён иштирокчилари ўзаро фикр алмашади, гуруҳларда қарорлар қабул қилинади, охириги хулоса чиқарилади. Болалар хато қилиш оқибатини ҳис этиб, ўйлаб ҳукми чиқаради, фикрларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш малакасини эгаллайди.

**«Ўртача ўқитувчи мавзунини гапириб беради, яхши ўқитувчи тушунтиради, зўр ўқитувчи мавзунини кўрсатиб беради, буюк ўқитувчи эса ўқувчиларни мавзуга қизиқтириб, илҳомлантиради» деган педагогик ҳикмат бор.**

Шундай экан, ўқувчиларга шунчаки «Тўғри ёз! Хатосиз ёз!» демасдан, уларни тўғри ва хатосиз ёзишга ўргатайлик, шaxсий кўникmalarини тарбиялайлик.

**Шахло ОШИКОВА,**  
Мингбулоқ туманидаги  
13-ИДУМНИНГ она тили ва  
адабиёт фани ўқитувчиси

## Касбий кўникмалар тўғарақда тобланади

Технология фанидан тўғарақ машғулоти ўқувчилар билим даражасини кенгайтиради ҳамда фан-техника, sanoatнинг турли соҳаларига қизиқишини оширади. Шунинг учун «Моҳир кўлар», «Кўноқ ус-тахона», «Кўғарчоқ театри» тўғарақларида ўғил ва қиз болалар катта иштиёқ билан шуғулланмоқда. Масалан, «Моҳир кўлар» тўғарақларида ўқувчилар инсонлар меҳнатини қадрлашни, политехник таълим, эстетик тарбия, конструкциялаш кўникмасини ўрганади.

Бунинг учун тўғарақни ташкил этишда ўқитувчи мактабдаги мавжуд имкониятларни ҳисобга олиши лозим. Алоҳида хона парта, столлар, асбоб ва мосламалар, тайёр ишларни қўйиш учун стелажлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Кўйи синф ўқувчиларида қизиқтириш барқарор эмас, шунинг учун «Моҳир кўлар» тўғарақларида иш мазмунини хилма-хил бўлиши лозим. Ёш хусусиятини ҳисобга олиб, ўқувчиларга ўзлари бажара оладиган вази-фалар топширилса, улар ўзига ишонади, машғулотга қизиқади. Тўғарақ раҳбари имкониятдан келиб чиқиб аъзоларнинг қизиқ-қишига кўра иш турларини ўзгартириб туриши мумкин. Мисол учун, кўндалик турмушда зарур ашёлар ясаш ва улардан фойдаланиш болаларга завқ бағишлайди.

Қирқиб, кесиб, ўйиб нарсалар ясашдан олдин сайр уюштириш, жонли ва жонсиз табиатни кузатиш ҳам тўғарақ ишини жонлантиради. Тушкун кайфиятда ижодий иш билан шуғулланиш самара бермайди. Шунинг учун тўғарақ раҳбари машғулотни бош-лашдан олдин ўқувчиларнинг кайфиятини кўтарувчи шеър, қўшиқ ва мусиқадан фойдаланиши мумкин.

Машғулотларга қизиқтиришнинг яна бир омил — рағбатлантиришдир. Тенгдошлари орасида ўқувчини мақташ, кўргазма ва танловларда иштирок этишга ундаш, ясаган ишларидан ҳар ой кўргазма ташкил

этиш ва натижаларга кўра «Фахрий ёрлик», тасвирий санъат, меҳнат, ўқув қуроллари билан тақдирлаш тўғарақни ўқувчи ҳаёти-нинг бир қисмига айлантиради.

Тўғарақ машғулотида ижодий фаоллик, ташаббускорликка ўрганган бола маҳаллий ва табиий материаллардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиб боради. Амалий безак санъати, лой ва пластилиндан нарсалар ясашни ҳам йиллик режага кири-тиш керакки, бу буюмлар ҳажмининг идрок қилишни осонлаштиради ҳамда ҳайкалтарошлиқдан бошланғич маълумотга эга бўли-шига ёрдам беради. Бу эса ўқувчида эсте-тик дидни тарбиялайди.

Тўғарақ раҳбарининг вази-фаси болаларга фақат қирқиб, кесиб, елимлаш, фойда-ли нарсаларни ясашни ўргатиш бўлиб қол-маслиги керак. Балки материаллар (қоғоз, ёғоч, пеналласт ва бошқалар) нимадан ва қандай ясалганлиги ҳақида мунтазам ту-шунча бериб бориш зарур. Мисол учун, од-дий ҳаракатланувчи моделлар ясашни за-монавий автомашиналар ҳақидаги суҳбат-лар билан боғлаш, имкони бўлса, экскур-сиялар уюштириш мақсадга мувофиқ. Та-биий ва маҳаллий материаллар билан иш-ланганда ҳам халқ амалий санъати наму-наларидан кўрсатиб, халқ усталари ҳақида гапириб бериш ўқувчининг мақсадини кат-тирлаштиради.

Тўғарақ машғулотида ўқитувчи янги иш усулларини кўрсатса, аъзолар ҳаракатлар-ни такрорлайди ва яхши эслаб қолғач, му-стақил равишда буюмлар ясашга кири-шади. Бунда ўқувчини оддий схемалардан фойдаланишга, материалларга тартибли, тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, асбоблар ҳамда иш жойини тоза ва тар-тибли сақлашга одатлантириш зарур. Зеро, тўғарақ машғулотида тўғри ташкил этил-са, машғулотлар мунтазам ўтказилса, бо-лаларнинг тўғри касб танлашига ёрдам беради.

**Шахноза НУРИДИНОВА,**  
Нурота туманидаги 27-мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси



## Чиройли ва тўғри ёзиш қоидалари «Хуснихат дақиқаси»да ўргатилади

Она тили дарсларида ўқувчиларнинг чиройли ёзишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Дарс давомида ўтказиладиган ҳус-нихат машқлари ўқувчиларнинг нафақат чиройли ёзиши, балки саводхонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Чилонзор туманидаги 128-мактабнинг бошланғич синф ўқитув-чиси Гавҳар Маҳманазарова ўқувчилар саводхонлигини ошириш учун ҳар бир дарсни «Хуснихат дақиқаси» билан бошлайди. Ху-сусан, 4-синфда «Бўғин, товус ва ҳарфлар» мавзусини ўтиш жараёнида аввало, ўқувчининг тўғри ўтириши, кўз ва дафтар орасидаги масофа, рўчкани тўғри ушлаш, дафтарни қия ҳолат-да қўйиб ёзишни кўздан кечириб чиқди. Чиройли ёзишни ус-тоз кузатиб турганини билган ўқувчилар ҳарфлар ва бўғинларни ҳуснихат қоидаларига кўра ёзишди. Мавзуга мос равишда бе-рилган машқларда бўғин кўчириш билан бирга ёзув элементла-рини ҳам тўғри қўллашди.

— Кўпинча 1-3-синфларда имло қоидаларига амал қилган ўқув-чиларнинг 4-синфга бориб ёзуви ўзгариши кузатилади, — дейди Гавҳар Маҳманазарова. — Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун она тили дарсида «Хуснихат дақиқаси» ўтказишни аънаъага айлантирганман. Натижада ўқувчилар сўзларни чиройли ёзиш билан бирга хатосиз ёзилишини ҳам эслаб қолишади. Айни жа-раёнда баъзи қийин сўзлар устида луғат иши ҳам олиб борамиз. Бунда ўқиш дарсида ўтилган эртак ва ҳикоялардаги имлоси қийин сўзлар устида ишлашимиз ўқувчиларнинг бадий саводхонлиги-ни ҳам оширади.

**Б.РИЗОҚУЛОВ** олган сурат.

2017-yil 1-noyabr, № 87 (9048)

*Хеч ўйлаб кўрганмисиз, нега болалар эртақларни севиб тинглашди? Хайл уммониға сизмас тасвирларни борича қабул қилади? Ҳар қалай, мени бу савол кўп ўйлантирган. Болалигимда эртақлардаги мард, баҳодир қаҳрамонлар, деғу ялмоғизларнинг борлиғига ишонардим, ҳатто ҳар янги йил оқшомида Қорбобо билан қизининг келишини интизор кутардим. Шу жажжи юракчамга олам-олам орзулар сизар, уларнинг барчаси амалга ошишига ишонар эдим...*

## “Фикрим – жайрон, шер – жоним...”

Энди билсам, беғуборлик киши қалбини юксалтираркан, катта дардларни ҳам бир капалаб ютишга имкон берар экан. Оппоқ орзулари ордин шиддат билан одимлаб бораётган Мансур Жумаев шеърларининг дилтортарлиги, жозибаси ва оҳанрабо тийнатлиги шундандир.

Қай мисрасини ўқиманг, ундаги соф ва самимий туйғулар кўнглингизга сизиб киради, қалбингиз тандирдек қизиби, тозарари. Рухимиз бўйини ўстиради. Қалба туғён ураётган, англамсиз сезимларга ном қўйиб беради. Шоир шеърларининг асоси ишқ тараннумидан иборат. Уларда инсоний ва илоҳий ишқ қоришиб кетади, ёр ишқи, ватанга бўлган меҳр-садоқат, ота-онага изҳор этилган муҳаббат, турмушининг кичик ташвишларидан чиқарилган катта фалсафий хулосалар бор.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Биринчи китобим” лойиҳаси туркумида нашр этилган “Оқ орзуларим” тўплами билан танишар экансиз, беғубор қалб соҳибининг ҳамон эртақлар олами ошноси эканлиғига гувоҳ бўласиз: “Мағрур инсон ҳақида эртақ”, “Уч ҳазина ҳақида эртақ”, “Баҳор ва севилиш эртағи”, “Куз эртағи”, “Эртақ ҳақида эртақ”.

**Мансур Жумаев:**  
**Болалиқда қўймасдим омон:**  
– **Эртақ айтиб беринг, бувижон.**  
**Буви айтган эртақда доим Муродига етарди инсон, дея бошланувчи “Эртақ ҳақида эртақ” сарлавҳали шеърда барча болаларнинг ҳаётида рўй берган ва берадиган ҳодисани қаламга олади. Шоир кейинги бандларда кўнглида кечаётган, руҳини талотум қилаётган ҳисларни баён этиб, ўзини эртақдаги маликага ошиқ бўлган чўпонга қиёслади. Хулосада тугал ечим, гўзал ифодани келтиради:**

**То муродга етмай афсонам тугамасин дер эртақ ҳаргиз.**  
– **Эртақ тамом! – деди жилмайиб юрагимни ўғирлаган қиз. Наҳот шундоқ тугар? У ҳамон**

**юрагимни қайтиб бермаган...**

**Бувижоним менга ҳеч қачон, бундай эртақ айтиб бермаган.**

Кутилмаган ечим анча залворли. Мавзу эски, аммо ҳали қаламга олинмаган ифодалар билан зийнатланган ушбу тугал асар кишида ўзгача таассурот уйғотиши тайин. Эртақ либосидаги ҳаётий ҳақиқатлар ҳар бир ўқувчини тўқинлантиради. Мансурнинг шеърларини ўқиркан, эртақнамо самимий сатрлар орқали ҳам теран фалсафий хулосалар ясай олиш, азалий ва абадий саволларни ўртага қўйиш, бир сўз билан айтганда, йирик мулоҳазалар, дилбар ташбеҳларга бурканган ажойиб шеърӣ монументлар яратиш мумкинлиғига ишонади киши.

“Куз эртағи” номли шеърда ижодкор ўзини намоён этади. “Кузак – қартайган баҳор” илҳоми шоирни бог оралаб ҳаёлотнинг чексиз оламига чорлайди. Шоир ҳаёлидан манзаралар кинотасмадек ўтаверади. “Айвондаги эски чоригин ёддан чиқарган одамзод”нинг аллақайга ҳорғин, шошиб бориши тасвирланади. Аммо қаерга?! Халқ тили билан айтганда, “ўздан кетган” одамнинг чарчоқни ортмоқлаб юргурилаб бориши – “Куз эртағи”нинг биринчи тугашидир. “Авлиёлар туғиб берган Шарқнинг” инсониятта ўқсиниши ҳамда Ботишдаги инсонларнинг воизликка ва қошиқликка – ниятига интилишини параллел тасвирлайди. Бунда ачиниш ҳамда умид бор. Бу эртақнинг иккинчи тугаши. “Ахтарганча омонлик ва нон масофалар, сарҳадлар оша”ётган дунёнинг турли томонидаги муҳожирларнинг аянчли ҳолати эртақнинг учинчи якунлашини бўлади. “Ўзи қўйган ўтнинг тағтида” қабоб пишираётган фитнесгарларнинг тарих қафтида уваланиб таноби тортилмаётганлиги шоирнинг нафратини оширади. Кейин унинг ҳаёли қоралиқдан оқлик томон секин сизиб ўтади. Бу даҳри дун ёмону яхшини бирдек елкасида кўтарди. Қонталаш шафақнинг қуёшни аждарҳодай ютиб қизариши билан шартли равишда шеърнинг биринчи қисми якунланади ҳамда оламни бебаз турган эзуликлар тараннуми бошланади:

**Богимда-чи, онам олар тин, Манглайда шўхлигим изи. Хотирини жам рафиқам ҳуснини ўғирлайди ширинтой қизим.**

Богидан, тинч-фаровон оиласидан кўнгли хотиржам онанинг ҳолати шу тарзда тасвирланади. Сўнгги икки сатрда шоир лирик чекиниш қилади, келажакни тасаввур этади.

Шоирларни уларнинг муҳаббатлари машҳур қилади. Бу мавзу барча шоирлар сингари Мансурнинг шеърларида ҳам алоҳида ўрин

эгаллайди. Унинг шеърлятидаги муҳаббат мавзуси Шарқ шеърлятининг забардастларидан таълим олганлиғини далиллайди: “Кун қолмади билакка” дея бошланувчи шеърдаги “Қолдим бир холга икки //шаҳар берган шоирдай” мисралари ёхуд “Ўн саккиз минг олам қиссаси” Алишер Навоийнинг “Ўн саккиз минг олам ошуби”... деб бошланувчи газалини ёдга солиши билан мажозий ва илоҳий ишқни бир ўринга қатма-қат жойлаштиради. Жумладан, “Жоним” шеърда “жон”ни турли рангларда ифода этади:

**Жоним нени дер, жоним?**

**Жоним сени дер, жоним!**

Ҳар қандай талқин этилса-да, мазмунга путур етмайди. Биринчи “Жоним (Оллоҳ маъносида) нимани истайди, жоним (ўзига ёхуд ёрга мурожаат)”. Иккинчиси, аксинча, “Жоним (ўзи ёхуд ёр маъносида) нимани истайди, жоним (Оллоҳга мурожаат)” ёхуд “Жоним (Оллоҳ ёки ёр маъносида) нимани истайди, жоним (ўзига мурожаат)” ва ҳоказо. Бу шоирнинг маҳоратидан дарак беради.

**Қаҳринг ила меҳрингдан**

**Забар ила зер жоним.**

Бу мисраларни ҳам юқоридагидек бир неча маъно қаватларида шарҳлаш мумкин ва энг муҳими, мазмун барчасида ҳам ўз қимматини сақлаб қолаверади.

**Мени мендан тондиргин;**

**Фикрим – жайрон, шер – жоним...**

Шер – овчи, жайрон – ўлжа; жоним – жисм. Рамзий ифодаларга таяйиб келинган хулоса: мени (руҳимни) мендан (жисмимдан) тондиргин (озод этгин), фикрим – қочғувчи, жаҳрдийда, жоним (жисмим, нафсим) — ҳалок этувчи, жисмимдан фикримни, яъни руҳимни озод этгин. Шеърни таҳлил этишда банднинг охиригидан юқорига томон ҳаракатланган, мазмун англашилади: Фикрим(руҳим)ни жисмимдан озод этгин. Бу менинг ташналимдир, уни қондиргин. Фикрлари қотиб қолган музман, ёндиргин, дея илтижо этган шоирнинг Оллоҳга муножоти бу.

**Мен сенга айланганман...**

**Менга мени бер, жоним!**

дея шеър якун топади. Юқоридаги “мени мендан тондиргин” билан хулосадаги “менга мени бер, жоним” ифодалари ўзига хос ритмни ҳосил қилади ва мазмуний контрастни оширади. Бунда Оллоҳга

яқинлашган лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари ифода этилади. Шу тарзда тасаввурдий мазмунни англаш мумкин, яна севилисига мурожаати сифатида ҳам қабул қилинса бўлади.

Одатда, аёллар муҳаббати ўзлари томонидан чиرويلى ифодаланади. Аммо адабиёт тарихида аёлга хос туйғуларни ҳаққоний тасвирлаган ижодкор адиблар учраб туради (Раҳод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши”, Лев Толстой “Анна Каренина”си). Мансурнинг қуйидаги мисралари ҳам бунга мисолдир:

**Аёл севса чин севар,**

**ундан ортиқ ким севар?!**

**Одам ўгли ҳайқириб,**

**Ҳавво қизи жим севар.**

Мансурнинг шеърлари орасида муҳаббат сабаб дунёга келган, кўнглидан чиқиб кўнглига борувчи қатор намуналарни эътироф этиш мумкин: “Саҳро баҳори”, “Гул”, “Китобсевар қизга”, “Баҳор ва севилиш эртағи” ва ҳоказо. Бунда унинг ўзига хос услуби ва ўзлиги намоён бўлади.

Айниқса, “...га” номли шеър алоҳида эътиборга лойиқ. Шоир “очилмаган кўриқдай кўнгли” таржималардан ортиб қолаётганлигини баён этади. Бу орқали ижодкор ҳали ўз қувват захирасининг ўндан бири, эҳтимол, юздан бирини ҳам сарф этмаганлигини баён этади:

**Очилмаган кўриқдай кўнглим,**

**ортиб қолар таржималардан.**

**Аллақачон бўлардим валий**

**шеърларимга ўхшасам агар.**

Кейинги ўринларда яна таржималарга мурожаат этади:

**Бир кун кўнглим**

**топар таржимам,**

**бир кун кўнглим**

**топар тасалли,**

**у шунчалар бўлар қарима,**

**унда Оллоҳ қилар тажалли.**

Кўнглининг таржима топиши – инсон учун бахт. Мансур ҳаётда ўз олдига қўйган олий мақсадини ифода этади ва мавзунини мантиқан “Шеърим”да давом эттиради. Буни унинг ижодига берилган энг яхши таъриф сифатида қабул қилиш мумкин. Қуйма ифода этилган ушбу мисралар маржони кишини оҳанги билан эритади. Эстетик завқ беради:

**Аё шеърим, аё шеърим,**

**ай, ёширин ҳаё шеърим,**

**бирам ширин, бирам ширин,**

**ширин жонимдаё шеърим.**

Шоирлар шеърларини ўз болалиқидек яхши кўриши шу ифодаларда яққол намоён бўлади; уларни боласидек эркалаб, суяди. Ўқилганда оҳанги кишини элитади. Бу оламда инсон умрининг давоми сифатида сўз қолади, у аслар оша яшаб киши умрини узайтиради. Мансурнинг ушбу китобига тўпланган шеърлари орасида гарчи эътибор қаратилиши зарур бўлган мисралар мавжуд эса-да, шеърларида кўтарилган мавзунинг юки, ифодаларнинг содда, самимий ва дилтортарлиги баркамол шоир бўлишига ишонтиради, кишини.

**Лайло ҲАСАНОВА,**

**“Ўзбекистон миллий**

**энциклопедияси” давлат**

**илмий нашриёти ходими**

# ГИГАНТ ҲАВО КЕМАЛАРИ

1937 йилнинг 6 майида 245 метрли «Гинденбург» немис дирижабли Нью-Йорк яқинига қўнаётган вақтда аланга олиб, санокли дақиқаларда ёниб, кулга айланади. Дирижабль фалокати 36 кишининг умрига зомин бўлган. Аммо ҳозир ҳеч ким улкан гигантларнинг қачонлардир Атлантика устидан бир неча бор учиб ўтганини Иккинчи жаҳон уруши даврида ўз ҳайбати билан калбларга кўрқув солганини билмас керак.



Наздимизда, улкан ҳаво кемасини эслатувчи дирижаблларнинг осмонга кўтарилиши ақл бовар қилмас жумбоқдек. Аммо инсон ақл-заковати махсули бўлган дирижабллар ҳам мўайян физик қонунлар асосида ҳаракатланади. Дирижаблнинг асосий кучи — унинг қобиғида. Газ билан тўлдирилган ҳаводан енгил қобиқ гидростатик кучни юзага келтириш ҳисобига ҳаво кемасини юқорига итаради. Шу жиҳатдан уни кўпчилик ҳаво шарига қиёслайди. Бироқ дирижабль улкан шардан фарқли ўларок, нафақат тепа-пастга, балки ер усти бўйлаб ҳатто шамолсиз ҳам ҳаракатлана олади.

Одатда, дирижабллар ўз қобиғининг қиздирилган ҳаво ёки газ билан тўлдирилишига кўра, икки турга ажратилади. Маълум бўлишича, авваллари газли дирижабль қобиғи энг енгил газ — водород билан тўлдирилган, аммо вақт ўтиб, водород-ҳаво аралашмасининг тез портлаш хусусиятига эғалигини тушуниб өтган олимлар уни гелий билан алмаштиради.

Дирижабллар тузилишига кўра ҳам бир-биридан фарқланади. Уларнинг қобиғи катта шарни ёдга соладиган, газ босиминигина тутиб турадиган шаклдаги — енгил, қобиғининг пастки қисми металл қарқасдан иборат бўлиб, қаттиқ механизмлардан тўзилган — қаттиқроқ ва ниҳоят, қарқасни тутиб туришига мўлжалланган аниқ шаклдаги — қаттиқ турлари мавжуд. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, чўзинчоқ шаклдаги дирижабллар аллақачон тарихда қолди. Бугун берк эгри чизиксимон (эллипсоидсимон), тороидаль, учар ликопчани эслатувчи хилма-хил тузилишдаги дирижабллардан фойдаланилади.

**Муҳандислар дирижаблларнинг ҳаракатланиш қонун-қоидаларини пухта ишлаб чиққан бўлса-да, уларни бошқариш осон эмас. Улкан ҳаво кемалари вертикал йўналишда ҳаракатланиши учун кўтарма гидростатик кучини ишга солади. Иссиқлик дирижаблларида қурилма ва унинг кўтарма гидростатик кучи ҳаво ҳайдаш орқали ҳаракатга келтирилади. Газли дирижаблларда эса махсус газ баллонлари бўлиб, улардан насос ёрдамида атмосфера ҳавосини ҳайдаш ёки тартиб олиш мумкин.**

Дирижаблларнинг ер юзаси бўйлаб ҳаракатланиши учун горизонтал тортиш кучига эга ички ёниш двигателлари зарур. Бундан ташқари, уларга қўшимча тарзда шундай силлиқ аэродинамик шакл берилмадики, учиб вақ-

тида худди самолёт қанотлариники сингари аэродинамик кўтарма куч ҳисобига ҳаракатга кела бошлайди. Шунингдек, ҳаво кемасини бошқарётган экипаж турли манёврларни осонлик билан амалга ошириши учун дирижаблнинг тумшуғи ва қуйруғига бир қанча баллонлар жойлаштирилади. Учиб олдида дирижабль қобиғини газ ёки ҳаво баллонлари билан тўлдириб, двигателлар ишини яна бир бор назоратдан ўтказиш муваффақиятли парвозни таъминлайди.

**Дирижабль пайдо бўлган илк даврларда уни кўндириш энг мураккаб масалалардан саналган.**

**Улкан ҳаво кемасини ерга тушириб олиш учун бир неча 200 метрли йўғон арқон, ерга боғлаш учун ўн, баъзан юз кишилик жамоа зарур бўлган.**

**Айтишга осон бўлса-да, бу жисмонан ниҳоятда мураккаб вазифа эди.**

**Дирижабллар учун ер устидаги тўхташ жойи вазифасини ангарлар (самолёт, вертолёт ва бошқа шу кабилар турадиган махсус ҳудуд) бажарган. Ҳаво кемаларининг самолётлардан анча улканлигини инobatга олсак, улар учун катта ҳажмли махсус ангарлар қуришга тўғри келганини тушунса бўлади. Аммо вақт ўтиб, техниканинг тараққий этиши дирижаблларни кўндиришни ҳам автоматлаштириш имконини берди.**

## Цепелинлар

Гарчи «Zeppelin» инглизчадан таржима қилганда «дирижабль» маъносини англатса-да, бу фақат дирижаблларнинг қаттиқ қобиқли турига нисбатан қўлланилади. 1899—1938 йилларда «Zeppelin GmbH» немис фирмасида ишлаб чиқарилган бу турдаги дирижабллар кашфиётчиси граф Фердинанд Цепелин бўлиб, унинг номи билан аталади.

Маълум бўлишича, немислар умумий ҳисобда 130 та цепелин ишлаб чиқарган, уларнинг бир қисми ҳарбий кўшинга, қолгани йўловчилар ҳамда юк ташишга мўлжалланган. Ўша даврда ҳаммасидан кўпроқ Граф Цепелиннинг «LZ 127» маркали дирижабллари ҳавога парвоз қилган. 105 минг куб метр ҳажмга эга улкан дирижаблнинг узунлиги 236, диаметри эса 30 метр атрофида бўлган. Баҳайбат ҳаво кемасида йўловчилар ва экипаж учун махсус кажалар, техник хона, ўн та икки ўринли каюта ҳам бўлган. Қизиги, ўша даврда дирижаблда учиб самолётга нисбатан қулайроқ эди. Бироқ дирижабль узокроқ масофаларга парвоз қилиши учун самолётдан фарқли, унга катта ва оғир юклар ортилмасди. Буни кўзда тутган мутахассислар доим ушбу муаммонинг энг қулай ечимини излаган.

Шундай қилиб, жаҳонга машҳур «LZ 127» дирижабли умумий ҳисобда 1,7 миллион км ёки 17200 соат осмонда учишга муваффақ бўлди. Жами ўн уч минг йўловчини ташиган гигант ҳаво кемаси сайёраимизнинг турли мамлакатларига 590 та парвозни амалга ошириб, 143 мартаба Атлантика океани устидан учиб ўтгани афсона эмас.

## Дирижабллар бомбардимони

Улкан китни эслатувчи «имиллаган» дирижабллар ўз даврида жуда хавфли қуролга айлантилган. 1908 йилда Герберт Уэллс ўзининг «Ҳаводаги уруш» номили асарига бутун бошли шарҳлар дирижабллар бомбардимони остида қолгани ҳақида ёзади. Ҳақиқатан, деярли «ўқ таъсир қилмайдиган» гигант ҳаво кемалари биринчи жаҳон уруши бошларида ҳарбийларга яшигина қўл келди. Юқори баландликка кўтарила оладиган дирижаблларни на ер, на ҳавода уриб тушириб бўларди, аксинча, улар душман кўшинини яқсон қилиб юборарди.

1915 йилнинг 8 сентябрь кечасида Лондон шаҳрининг бомбардимон қилиниши энг мудуш воқеалардан бири сифатида эсланади. Биринчи жаҳон уруши охирларида дирижаблларнинг ҳарбий вазифаси ўзгариб, даҳшатли қурол бўлмай қолди. Иккинчи жаҳон урушига келиб, АҚШ 12—18 минг куб метр ҳажмдаги «юмшоқ» дирижабллардан кема, ша-

ҳар ва ердаги бошқа объектларни бомбардимон қилиш мақсадида эмас, балки сувости кемаларига қарши курашишда фойдалана бошлади. Ҳаво кемалари уларни осмондан туриб излаб топар ва бомбалари билан ҳужум қиларди. Иккинчи жаҳон уруши якунланганида ҳам дирижабллар хизматига бўлган талаб сустаймади, улар радиолокацион разведка вазифасини бажара бошлади.

## Самолёт билан рақобат

Очигини айтиш керак, дирижаблнинг айрим камчиликлари доим ҳам яққол кўзга ташланган. Биринчидан, юк ортадиган улкан ўлчамли дирижабллар қобиғидаги газнинг ишлаш тезлиги ҳам ўзига яраша катта ҳажмда бўлган. Иккинчидан, дирижабллардаги шиддатли аэродинамик қаршилик сабаб тезлиги соатига 150 км дан ошмаган. Бундан ташқари, ҳаво кемаси экипажини дирижабллар қобиғининг тез-тез ишдан чиқиши билан боғлиқ хавотир қўйнаган. Шу боис дирижаблларга оддий одамлар деярли яқинлаштирилмаган. Улар ҳаво кемасини фақат авиакўргазмадагина кўришган.

Аммо дирижабллар қатор афзалликларга ҳам эга. Уларни ҳавода гидростатик куч ушлаб тургани боис, осмонда учиш ҳаракат талаб қилмайди. Бунинг устига, уларнинг учиб вақти ҳам чегараланмаган. Самолётдан фарқли, дирижаблга кўпроқ юк ортиш мумкин. Уларга учиб-қўниш йўл чизигининг ҳам кераги йўқ. Яна дирижабллар вертолётдан анча барқарор юргани боис улардан бемалол «ҳаво кемаси» сифатида фойдаланса бўлади.


Бугун дирижабллар анча кўнгилочар «транспорт»га айланди. Унга ўтириб, ерни баландликдан томоша қилиш сайёҳларнинг жону дили. Буни яхши билган «Zeppelin NT» компанияси дирижаблларни туризм соҳасига йўналтирди. Ташкилот ишлаб чиқарган немис дирижабллари сайёҳларни хушманзара Бодензее кўли бўйлаб сайр қилдиради. Бу компанияга фойда келтириш билан бирга, кишиларга нуқтилмас таассуротлар ҳаёда этади.

Айрим хусусий компаниялар эса дирижабллардан реклама воситаси сифатида фойдаланади. Баъзан улар спорт билан боғлиқ мақсадларда ҳам ишлатилади. Бироқ улкан ҳаво кемалари ҳаммасидан кўра мониторинг ишларида қўл келади. Масалан, ҳозир электрузатиси ёки трубопровод линияларида учинчи синовдан ўтказиш учун вертолётлардан фойдаланилади. Аммо тўхтовсиз учиб имкониятини инobatга олсак, бу вазифани дирижабллар яхшироқ ундайлади.

Маълум бўлишича, олимлар келажакда 25—30 километр баландликка кўтарила оладиган стратосфера дирижаблларини яратиш ва уларни оддий йўлдошлар вазифасини бажара оладиган геостационар йўлдошларга айлантиришни мақсад қилган. Дирижабллар оддий йўлдошлардан бир жиҳати билан фарқ қилади. Яъни, улар ерга енгил қўниб, белгиланган вазифани бажаради-да, сўнг стратосферага қайта кўтарилади. Улар фазода қўёш нуридан қувват олиб ҳаракатланади.

Яна айрим компаниялар енгил космик аппаратларни учуришда иссиқ дирижабллардан фойдаланишни режалаштирган. Уларнинг гоёси қўйидагича: дирижабль космик аппаратларни ўз бортига ортиб, 10 км баландликка кўтарилдию уларни орбитага қўйиб юбориб, ортига қайтади. Шунингдек, кўпчилик «Google» компанияси асосчиларидан бири Сергей Брин ҳамда «NASA»-нинг собиқ директорлари Алау Уэстон биргаликда улкан дирижабль яратганидан хабардор. Ангарлардан бирига жойлаштирилган дирижаблнинг вазифаси ҳозирча номаълум. Ким билади, балки бу тез орада осмонга улғувор «ҳаво кити» қайтишидан дарақдир. Ёки бўлмаса, бу шунчаки бизнесменларнинг навбатдаги хоббиси бўлиши ҳам мумкин.

Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.



2017-yil 1-noyabr, № 87 (9048)

**«УЧАР» МОТОЦИКЛ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ**

Россиянинг «Hover Surf» kompaniyasi Dubay hukuk-tartibot organi bilan hamkorlikda patruл хизматига мўлжалланган учар электромотоциклни тақдим этди. Тақдимотдан олинган ролик «Go News»нинг «YouTube» каналига жойлаштирилди.



Транспорт воситаси Дубайдаги «Gitex 2017» кўргазмасида илк бор намойиш этилди. Бир ёки икки йўловчининг вазни қўшиб ҳисобланганда мотоцикл оғирлиги — 300 килограмми ташкил этади. Уни масофадан бошқариш имконияти мавжуд.

Мотоциклга бежиз «учар» нисбати берилмаган. У ердан беш метр баландликка кўтарилиб, соатига 70 км тезликда ҳаракатланади. Ҳозирча ҳавода унинг қуввати 6 км масофагача этади. Ерда эса одатий мотоцикл тарзида ҳаракатланади.

Ҳозир лойиҳа қайта ишланиш жараёнида бўлиб, қачондан бошлаб Дубай полициясига тақдим этилиши ҳақида аниқ маълумот йўқ.



**КОИНОТНИНГ ЙЎҚОЛГАН БЎЛАГИ ТОПИЛДИ**

Халқаро тадқиқотчилар гуруҳи коинотнинг етишмаётган 50 фоиз моддасини топишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, материя галактикалар ва уларнинг тўдаси орасига маҳкам ўралиб олган. Тадқиқот бора-сидаги қизиқarli маълумотлар «arXiv.org» сайтида берилди.

«Lambda-Cold Dark Matter» космологик моделининг қайд этишича, коинотнинг 95 фоиздан ортиги

қора материя ва қора энергияга тўлган. Протон ва нейтронлардан иборат одатий (барион) материя атиги 4,6 фоизни ташкил этади. Бироқ кузатувлар натижаси юлдузлар, юлдузлараро муҳит ва иссиқ газдан иборат галактикалар тўдаси назарий жиҳатдан барион материясининг 50 фоизини ташкил этишини кўрсатди.

Коинот материалари бўйлаб уч ўлчовли тармоқ, гравитация кучи таъсирида шаклландиган тугунлар пайдо бўлади. Ушбу тугунлар ипсимон тузилишда бириккан галактика, йирик галактика тўдалари ва қора моддалардан иборат. Гидродинамик моделлаштириш натижаларининг кўрсатишича, одатий материянинг етишмаётган қисми айнан галактика ва кластерлар орасида жойлашиши лозим. У иссиқ-қайноқ галактикалараро муҳит деб номланади. Бироқ жуда ингичкалиги сабаб уни аниқлаш анча мураккаб.

Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

2017/2018 ўқув йилида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг умумтаълим фанларидан 10-синф дарсликлари ижара тўпламига белгиланган ягона ижара тўлов миқдори.

Т/р	Синф	Таълим тили	Тўпламга киритилган дарсликлар рўйхати	Тўпламдаги дарсликлар сон	Дарслик бир тўплами учун йиллик ижара нархи (сўм)
1	10-синф	ўзбек	Она тили, Адабиёт 1-қисм, Адабиёт 2-қисм, География, Рус тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	22 800
2	10-синф	рус	Русский язык, Адабиёт 1-қисм, Адабиёт 2-қисм, География, Ўзбек тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	25 600
3	10-синф	қорақалпоқ	Қорақалпоқ тили, Адабиёт 1-2-қисм, География, Ўзбек тили, Рус тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	34 700
4	10-синф	қозоқ	Қозоқ тили, Адабиёт 1-2-қисм, География, Ўзбек тили, Рус тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	47 000
5	10-синф	тожик	Тоҷик тили, Адабиёт 1-2-қисм, География, Ўзбек тили, Рус тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	40 100
6	10-синф	кўргиз	Кўргиз тили, Адабиёт 1-2-қисм, География, Ўзбек тили, Рус тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	40 600
7	10-синф	туркман	Туркман тили, Адабиёт 1-2-қисм, География, Ўзбек тили, Рус тили, Физика, Жаҳон тарихи, Ўзбекистон тарихи, Органик кимё, Информатика ва ахборот технологиялари, Биология, Давлат ва ҳуқуқ асослари, Мънавият асослари, Чакирўнга қадар бошланғич тайёргарлик, Дунё динлари тарихи, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 1-қисм, Математика (Алгебра ва анализ асослари, Геометрия) 2-қисм	17	40 600

Тошкент чет тиллар педагогика институтининг (ҳозирги ЎзДЖТУ) француз тили факультетини 1987 йилда битирган талабалар дикҳатига! Муҳтарам курсдошлар. Олий таълим даргоҳини битирганимизга 30 йил тўлиши муносабати билан барчанинг 2017 йил 9 декабрь кунини факультет биносига ташриф буюришингизни сўраймиз. **Жаҳоннинг шодлиги йилгилас бутун, Дўстлар дийдоридан бўлалмас устун.** Мурожаат учун телефон рақами: +99891 456-93-95

**Кенжаева Пошша Умидовнанинг 10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича “XX аср турк ҳикоятчилигининг тараққиёт тамойиллари” мавзусидаги (филология фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 17 ноябрь кунини соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. **Тел: (0-371) 233-45-21; e-mail: sharq\_ilmiy@mail.ru.**

**Каримов Махмуд Муратовичнинг 02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар ихтисослиги бўйича «Карбоксил гуруҳи тутган полимерларни олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва қўлланishi соҳаларини ўрганиш» (кимё фанлари бўйича) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 14 ноябрь кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-Б уй. **Тел/факс: (0-371) 241-85-94; 241-26-61; e-mail: polymer@academy.uz.**

**Тошхужаева Шоирахон Фаниевнанинг 10.00.01 – Ўзбек тили ихтисослиги бўйича “Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси” мавзусидаги (филология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 27.06.2017.Fil.05.02 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 14 ноябрь кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
Манзил: Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. **Тел/факс: (0-373) 244-66-02; e-mail: info@fdu.uz.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти Гўзал Алимовага волидаи муҳтарамаси **НУРИЯ аянинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Математика факультети “Дифференциал тенгламалар ва математик физика” кафедраси доценти Қаҳрамон Буваевга акаси **Ойбек БУВАЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Биология факультети “Зоология” кафедраси ўқитувчиси Қаҳрамон Ибрагимовга падари бузруквори **САПАРБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Синфдош жўралар билан Омонхонага борар бўлдик. Зиёратга. Ул юксак тоғлар орасида бир муштирапаримиз — амманнинг кизи яшайди. Омонхонанинг хўжаларига тушган. Санобар амма ўша ёқда ўтирадилар. Ўн беш-ўн олти чоғли бўзболалар — битта-иккитаси демаса, ҳали кўпи бўйдоқ бахтиёр йигитлар тракторнинг аробасига мингашиб, Омонхонаотага уч соат деганда етиб бордик. Мўлжал — амманнинг уйи. Кўноқ бўламыз. Минсанг оёғинг ерга тегмайдиган иккита серкани олганмиз. Жунидан тортсанг, мойи томади кургурларнинг... шаҳид бўлишини сезгандай йўл бўйи иккови сузишиб борди.

## Томир

Хуллас Назар-хўжа жездеамиз бизни кутиб олди. Аввалига айвонда сал ажабланиб турди-да, мени танигач, кирза этикни қўлантаёқ кийиб биз сари юрди. Қовунтарвуз, помидор-бодринг, узум-пузум дегандай бир дунё егулик... ўзи шу бизнинг халқни овқат ҳам майиб қилиб ташлайдиз-эй! Ҳалиям табиат сийлаган, қуёш, ҳаво...

Шуйтиб, жезданинг изидан чиққан амма-жоннинг "Ўлайин-да, тоғамнинг боласига..." деган алкови орасида тўрдаги сомонсувоқ уйга тортдик.

Дуои хайрдан сўнг, почча ва аммага син солдим: — Энди, эшонжезда, сиз билан амманни орқа қилиб, болаларга катта гапириб келадирек-да?..

— Эй, айланайлар, шўям гапми, биров келмай қолса, жездангиз ҳам тўрсаяберади, ўзи... — аммам олғирлик қилиб оғзимдан гапимни юлди.

Сўнгра жездеамиз ҳам тилга кирди: — Бинойи қилибсизлар-да, йигитлар. Уйлар тинчми, ҳамма хешлар яхшимми? — Шўкр, худога шўкр...

Мезбонлар бизни бир муддат холи қолдиргач, "Сен сўй, сенинг қўлинг ширин..." қабалида ҳазил-чин гурунг қилиб турдик. Амма дастурхон олиб кирди. Мени қўймаддан тўрға ўтқазди:

— Қариндошинг товуши қоронғида белгили... бир кеп қопсан, устудент бўп бир тишлам этинг ҳам қолмапти, жўраларингни қара. Тўрға ўт...

Ошналар ҳам "ўт-ўт"лайвергач, юқоридан жой олдим. Шу маҳал хонага уриниброқ қолган беқасам чопонни майкачан баданга кийган, қўлида қумқайроқ ва пичоқ тутган эшонжезда кирди.

— Хей, қайинлар, бир-икковинг, менга қарашиб юборинглар. Анов серкалар Қумқўрғонга қайтиб кетсак-ми, дейишяпти...

Жўраларнинг учови ирғиб ўрнидан турди. Аммам бўлса, нуқул қанд-курс ташийди...

Бир пайт биз хонада ўндан зиёд болалар ёлғиз қолган чоғимиз эшикдан қўйлақчасини ёқаси киргина уч ёшлардаги қизалоқ кўриниб берди. Жездега қўйиб қўйгандай ўхшайди. Англадимки, қизининг кизи — невараси...

Қизчага даврадан барча беғубор гўдакларга қилинажак ярим самимий, ярим сохта мулозаматлар ёғилди:

— Эй, асал қиз, келинг-келинг. Сирғачаси тиллами дейманда...

— Отинг нима, кимнинг кизи бўласан... — Тарвуз емасанми?..

Қизалоқ бу гапларга парво қилмай қўлини орқасига бирлаштириб, ер остидан ҳар биримизга бир-бир қарар, сомонсувоқ деворга елка бериб турарди. Кейин ўзига эътибор сал сусайганини англаб, ёнбошига юра бошлади — тўрға, ўтирганларнинг орқасидан, девор бўйлаб...

Қутилмаганда у менинг ёнимга кеп қолди. Худди биров ўргатгандай секингина қаватимга чўқди ва... ишонасизми, тиззамга қўлчасини қўйди... бошини кўтариб, юзига қаради... воҳ, тиззамда турган митти қўллари вужудимни ёндириб юборгандек бўлди. Нигоҳидаги Бойсун самосидай бекин поклик, томирларида югураётган ҳаётнинг ложувард хабарлари, Оллоҳнинг қудратидан нишон бўлиб мени сеҳрлади. Шу чоқ, рўпарамдаги синфдошим Соатмуроднинг қалбимда кечаётган ҳисларни гўёки тинглагандек овози келди:

— Ошна, кўрдингми, қон тортди... конфет узатдик, тарвуз узатдик, бизга қарамади-да, сенга борди.

Қизчанинг ярим бўғингина ўсган, пахмоққина сочларидан ўпиб қўйдим... қизалоқ йиманибгина қўлини ярим чўзиб дастурхонда турган тарвузга имо қилди. Кўзи эса менда! "Жоним билан! Сендан тарвуз айлансин, лалмининг боласи-да..."

Ёзувчи Мурод Муҳаммадўстнинг "Лозазор" романида Саидқул Мардон деган кўп қайғули персонаж бор. Унинг бу ёруғ оламда бирорта томирдоши, қондош-қариндоши йўқ. Бундан ортик фожеа борми? Бордир, лекин гап ҳозир бундамас...

Одамнинг ҳам худди чинордай, янтоқдай илдири бор, томирсиз ўлади одам ҳам! Ишонинг! Ана шу илдининг номи — Ватан! "Зиёратингиз қабул бўлсин, жўралар! Ватан зиёрати ҳар кундир!"

Шодмонкул САЛОМ

## Ҳамроҳ

Тўхтабой билан Қадамбой қўшни. Худди эгизлардек доим бирга юради. Бир-бирини оғайни деб қақиради. Уларни ҳамма аҳил деб билади, дўстлигига ҳавас қилади. Ота-оналар, ўқитувчилар беодобларни тартибга чақирганда уларни ибрат қилиб кўрсатади. Тўхтабойнинг кўнглидаги ҳасад доғларини Қадамбойнинг кечиримлиги доим ювиб туради. Тўхтабой арзимаган гапга аччиқланиб, тўхтаб қолса ёки йўлни бошқа ёқдан солса, Қадамбой унга ҳамроҳ бўлишдан тоймайди. Аччиғи бурнининг учига эканини, эртага дарсда ундан кўчириш учун ялтоқланиб келишини билса-да, дўстининг кўнглини қолдиришни истамайди. Тўхтабой билими бўлмаса-да, тиришқоқ, билим олишга эмас, баҳо олишга интиларди. Кундалигидаги "4" ва "5"ларга партадоши туфайли эришганини яширишга устмон эди. Қадамбойга ҳар ишда эргашиб келаётган Тўхтабойни олий мактаб остонаси шафқатсиз ажратиб тўхтатди. Аламига чидай олмай шаҳардаги тоғасининг уйида хизмат қилиб, қишлоқдошларига "сиртдан ўқийтган" бўлиб кўринди. Сўнгра, то Қадамбой ишлаётган мактабга дурадгор бўлиб ишга кирганига қадар, эски қадрдони билан қоғоғини очиб гаплашмади.

Унинг янги ишни нишонлаш хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Олган ёнгоғи яна пуч чикди. Қишлоқдошлари олдида гердайдил мактабда ишлашини пеш қилса-да, ўқитувчилар олдида ишлари пачава эканини билмаган экан. Айниқса, директор Қадамбой ўтирадиган курсини созламагани учун танбех берганида жони халқумкага келди. Ундан қаерим кам? Нега у чайқалиб ўтириб курсини бузиши керак, мен ҳадеб созлаб бераверишим лозим? Нега у тоза костюм-шим, галстукдаю, мен чанг босган халатда юришим зарур? Нега унинг кўлтигида журнал, менинг қўлимда эса арра? Нега уни ҳамма домла деб ҳурмат қилади, менга эса нуқул иш буоринишади?

Дўстининг сипо кийиниб, ёнидан ўтиб кетишини дарсга шошиш баҳонасидаги бепасандликка йўйди. Бунинг устига Қадамбойнинг синфи устахонанинг ёнгинасида. Унга ҳар кун кўзи тушади. Устахона эшиги олдиндан аррадай бориб келиши дурадгорнинг асабини эговлади. Курси воқеасидан кейин у билан алақани пинхона узди. Маълум муддат ўзини ўқитувчиларнинг хизматкори деб билди ва бу ишдан ор қилиб юрди. Кейинчалик, тушуниб етмаса ҳам кўникиб кетди. Нафақат кўникиди, балки қувонди. Билмай юрган экан, бундай "ёғ"ли жойга аввалроқ келмаганига афсусланди ҳам. Унинг туғма қобилияти шу ерда иш берди. Ойлик маошидан ташқари, дурадгорлик қилиб, топган пуллари эвазига янги "Восход" мотоцикли харид қилди. Энди аламини оладиган пайт келди. Эрталаб Қадамбойнинг уйдан чиқишини пойлаб турар, ярим йўлда ёки мактабга яқинлашганида ёнидан мотоциклини гизиллатиб ўтиб кетар ва шу ишдан ҳузур қиларди. Унинг қилиқлари ўқитувчиларга ёқмас, тушлик чоғи "чақиб" олишарди:

— Тўхтабой, шу дейман, мотоциклинг билан сенинг номингни алмаштириш керакмикан-ов. Қўшнинг билан ҳар кун бир жойга келасан. Ёнидан ўтаётганинг-

да тормозни боссанг, ўзидан ўзи "газ" олиб кетадими-ей.

Тўхтабойнинг кўнгли қанчалик нозик бўлса, бети шунчалик қалин эди. Жиддий тортишув кетаётганда гапни ҳазилга бурар, ҳазил пайти жиддийлаша олар, шу сабабли "буқаламун" лақабини ҳам орттирган эди. Хохласа ҳар бир майда гапдан салчиб тушар, хохласа ҳар қандай кўпол гапни ҳам кўнглига оғир олмай тураверарди. Юзининг қалинлиги ҳимоя қобилиги эди.

Тўхтабой уловнинг "заводско-кой браги"га йўлққан экан. Бунинг яширишга ҳарчанд уринмасин, улов мухлислари дарров пайқашди.

Одамлар шошилгани сайин, қайтар дунё ҳам ўз ишини тезлаштирганга ўхшайди. Қадамбой "Ява" русумли қипқизил мотоциклда пиёда йўлга чиққан қиёматлик қўшниси ёнидан икки марта визиллаб ўтиб кетди. Учунчи кун илдам юриб кетаётган дўстига яқинлашганида улов тезлигини у билан барабарлаштириб, юмшоқ овозда:

— Мендан хафа бўлма, хўпми? Тулпорим тўрт одамни торта олади. Лекин сени миндирмайман, — деди-да, бир неча сонияда кўздан узоқлашди. Эртасига яна, индинига яна... Уйкусида ҳам мотоциклинг ёқимсиз гуриллаши аралаш ўша овоз — "хафа бўлма... барибир миндирмайман". Дўстининг ўч оладиган одати йўқ эди. Бундан бешбаттарларини ҳам кечирган. У бошини чангаллаб ўтириб олди. Кўрпадан сирғалиб чиқиб, ташқарига йўналди. Тип-тиник кечада ҳамма нарса мусаффо, дунёда битта ҳам нопок зарра йўқ эди шу тобда. Фақат унинг бошдан-оёғи... ўзига ёқимсиз туюларди. Ҳаётда биринчи марта ўзини ёмон кўриб турарди...

Тўртинчи кун дўсти парвосиз ўтиб кетди. Бешинчи кун уйқудан қониб уйғонган Тўхтабой деразани очди. Ош-тоб чарақлаб, дарраҳт шохлариди қушлар чирқиллаяпти. У ўзини қушдай енгил сезди. Атрофга теран боқди. Бутун борлиқ у билан бирга енгил нафас олаётганди. Кун кўзини олар даражада ёруғ бошланди.

Қип-қизил, чиройли "Ява" ёқимли овози билан охишта келиб тўхтади. Табассумга лиммо-лим кўзлардан порлаган нурлар ачомлашди. Уч кун аввал шу кўзлардан чиққан совоқ нигоҳлар худди шу нуқтада тўқнашган эди.

Мотоцикл гилдираги бир текисда баравар айланар, жим кетаётган икки вужуд баравар нафас оларди.

— Ҳаммасини жойига элтиб қўйдингми, ҳеч нарса қолмадими?

— Ростини сенга айтмасам, кимга айтаман. Сендан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди.

— Ҳеч ким сезиб қолмадими ишқилиб?

— Йўқ. Бироқ бориб кечирим сўраш қийин бўлиб турибди.

— У ёғи бир гап бўлар. Акаларингдан пул олиш учун ёлғон тўқиб, ишни яна чувалаштириб ўтирма. Ўзим қарз бериб тураман.

— Жарга қулаётганимда оёғимга солган сиртмоғинг доим мени қутқариб қолади. Сен фариштасан.

— Сен эса файласуф.

Икки дўст бараварига мириқиб қулишди.

Махмуд РАЖАБ

2017-yil 1-noyabr, № 87 (9048)

# Туман босқичига йўлланма

мактабда галаба қозонган ўқувчиларга берилади

Аввал хабар қилинганидек, ҳудудларда "Уmid ннхоллари—2018" спорт мусобақасининг дастлабки босқичи давом этмоқда.

Хусусан, Фарғона вилоятидаги барча туман ва шаҳарларда спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Спорт иншоотларида иштирокчилар учун барча шароитлар яратилди. Риштон туманидаги 7-умумтаълим мактабидаги замонавий спорт зали ва майдончасида ўтказилган саралаш баҳслари ҳам муросасиз курашларга бой бўлди.

— Ушбу спорт фестивалининг илк босқичини мазмунли ва мароқли ташкил этиш мақсадида ҳар бир синфдан камида 12 нафар ўқувчи иштироки таъминланди, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Гулноза Жабборова. — Улар волейбол, баскетбол, футбол ва кураш мусобақаларида айниқса фаоллик кўрсатди. 5-7-синфлар ўртасидаги беллашувларда 120 нафар ўқувчи (52 нафари қиз) қатнашди. Мактабимизнинг баскетболчи қизлари нафақат туманда, балки вилоятда ҳам етакчи ўринга эга. 7-«А» синф ўқувчилари Фарангиз Фуломова, Озода Набиева эса бадий гимнастика бўйича вилоят биринчилигида муваффақиятга эришган. Қолаверса, 3-«А» синф ўқувчиси Мироншоҳ Мусаев каратэ бўйича вилоятда тенгсиз эканини исботлади, 9-«Б» синф ўқувчиси Тўйчиови Ҳамидов кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.



Спортнинг 23 тури бўйича ўтказилиши белгиланган "Уmid ннхоллари" мусобақасининг мактаб босқичи ҳозиргача 16 спорт тури бўйича якунланди. Кузги таътилгача қолган турлар бўйича ҳам баҳслар ўтказилиб, фестивалнинг туман босқичи учун мактаб жамоасининг тўлиқ таркиби шакллантирилади.

**Поп туманидаги 38-умумтаълим мактабда "Уmid ннхоллари" спорт мусобақасининг биринчи босқичи якунланди. Кўтаринки ва қизгин руҳда ўтган беллашувларда эришилган натижалар жуда қувонарли. Унда иштирок этган 20 та синф жамоаси олдинги даврга нисбатан маҳорат бобида сезиларли ўсганини кўрсатди.**

Яқунда волейбол ва футбол бўйича синфлар кесимида 7-синфлардан иборат жамоа голиб бўлди. 6- ва 8-синф ўқувчилари эса кейинги ўринларни банд этди.

Ушбу таълим маскани ҳам вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда нуфузли ўринларни эгаллаётган ўқувчи-спортчилари билан машхур. Масалан, кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, 9-синф ўқувчиси Хуррият Турсуналиева, дзюдо бўйича республика биринчилиги голиблари: 6-синф ўқувчилари Равшан Собиржонов, Муҳаммадқодир Убайдуллаев шулар жумласидандир. Чемпионларнинг мактабдошлари эса уларга эргashi, ҳавас қилиб, таълим муассасаси қошида ташкил этилган тўғарақларда спортнинг 7 тури бўйича маҳоратини оширмоқда. Баскетбол, волейбол, стол тенниси, энгил атлетика секцияларига аъзо 278 нафар ўқувчи малакали устозлардан спорт сирларини ўрганимоқда.

Мазкур мактаб туманда жисмоний тарбия фани бўйича «Методист-ўқитувчилар мактаби» ҳисобланади. Бу ерда бой иш тажрибаси ва касбий салоҳияти билан ҳамкасбларига намуна бўлаётган 1-тоифали жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Кенжабек Ортиқов 15 йилдан бунён ўқувчиларни жисмоний етукли сари ундаб, ҳар бир ўғил-қизни қизиқиши ва лаёқатига қараб спортга ошно этиш йўлида бор билим ва куч-ғайратини ишга солмоқда.

**Шарифа МАДРАХИМОВА, Фанишер АКБАРОВ, "Ma'rifat" мухбирлари**



## 20 ЖАНГ — 20 ГАЛАБА

Британиялик боксчи Энтони Жошуа Франциялик Карлос Такамга қарши рингга чиқиб, галаба қозонди.

«Лента»да ёзилишича, Кардифф шаҳрида бўлиб ўтган муштлашунинг 10-раундида инглиз боксчиси рақибини техник нокаутга учратди. Шунингдек, Такам тўртинчи раундда нокадаун ҳолатига ҳам тушган.

Жошуа шу тариқа Жаҳон бокс ассоциацияси (WBA) чемпионлик камарини муваффақиятли ҳимоя қилди. Айни пайтда унинг ҳисобида Халқаро бокс федерацияси (IBF) ва Халқаро бокс ташкилоти (IBO) чемпионлик камарлари ҳам бор. Энди Жошуанинг галабалари сони 20 тага етди.

## ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ БЎЛМАЙДИ

Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) терма жамоалар ўртасидаги ўртоқлик учрашувларини Жаҳон лигаси деб номланувчи янги мусобақага алмаштирмоқчи.

Нигериянинг «This day» порталида келтирилишича, агар мазкур гоа амалга ошса, терма жамоалар ФИФА рейтингидаги ўрнига қараб уч дивизионга бўлинади ҳамда ҳар йили мусобақалашади. Айни пайтда терма жамоаларнинг ўртоқлик ўйинлари клублар ўртасидаги мусобақалардан кўра анча зерикарли бўлиб қолган.

Жаҳон лигаси баҳслари 2019 йилдан бошлаб мунтазам ўтказилиши режалаштирилмоқда.

## 36 ЁШИДА 95-СОВРИННИ ЮТДИ

Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер Базель шаҳрида якунланган халқаро турнир финалида аргентиналик Хуан Мартин дель Потрони мағлуб этгани ҳақида Профессонал теннисчилар ассоциацияси (АТР) расмий сайтида ёзилди.

Умумий ютуқ жамғармаси 1,8 млн доллардан зиёд мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсида 6:7 (5:7), 6:4, 6:3 ҳисобида 36 ёшли ракетканинг қўли баланд келди.

Эътиборлиси, Федерернинг АТР туркумидаги мусобақаларда кўлга киритган совринлари 95 тага етди. Ундан кейинги поғонада 94 та соврин билан собиқ чех спортчиси Иван Лендл бормоқда. Бу борада аққол етакчи америкалик Жимми Коннорс бўлиб, у АТР мусобақаларида 109 марта галаба қозонган.

## ТЎРТ КАРРА ЧЕМПИОН

Автопойга бўйича «Формула-1» таснифидаги автомобиллар ўртасида кечган жаҳон чемпионатида «Мерседес» жамоасининг британиялик вакили Льюис Ҳэмилтон тўртинчи марта зафар кучди.

«ТАСС»да қайд этилишича, 32 ёшли спортчи Мексика Гран-присида маррага тўққизинчи ўринда етиб келди ва очколари сонини 333 тага етказди. Бу эса мавсум тугашига икки босқич қолганига қарамай, унга муддатидан олдин чемпионлиқни тақдим этди. Бойси, унинг энг яқин таъқибчиси германиялик Себастьян Феттел («Феррари», 277 очко)да голиб бўлиш учун имкон қолмади.

Мексика Гран-присида Макс Ферстаппен («Ред Булл») 1-, Валттери Боттас («Мерседес») 2- ва Кими Райкконен («Феррари») 3-ўринни банд этди.

## 3.ХОЛОВ тайёрлади.

## Мухтарам Гулноза Музаффарова!

Сизни 54 ёшингиз ва туғилган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз! Сиз ушбу таълим даргоҳида 20 йилдан ошқ раҳбар сифатида меҳнат қилдингиз. Шу давр мобайнидаги машаққатли фаолиятингиз муносиб баҳоланди ва Сизга "Халқ таълими аълочилиси" кўкрак нишонини ҳамда "Шухрат" медали тақдим этилди. Биз ўқитувчилар ушбу ютуқларингиздан беҳад қувонамиз. Ёш авлодни тарбиялашдаги қатъиянлигингиз, тартиб-интизомингиз ҳар бир ўқитувчига ўрнак бўлади. Сизга бакт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилаймиз!

Хурмат ва эҳтиром билан

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактаб жамоаси ва шогирдларингиз.

# Бир мақсад йўлида бирлашган мактаб

Самарқанд шаҳридаги спортнинг ўйин турлари ва энгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида баскетбол, волейбол, бадмиштон, гандбол, энгил атлетика, теннис, стол теннис, чим устида хоккей, шахмат ҳамда шашка бўйича машғулотлар олиб бориламоқда.



Мактабга 1 минг 194 нафар спортчи қамаб олинган бўлиб, уларнинг 290 нафари қизлардир. Ёшларнинг доимий равишида машғулотларда қатнашиши, ҳар томонлама чинкииб, юқори натижаларга эришиши учун 44 нафар малакали мураббий меҳнат қилмоқда. Мактаб ёшлари эришган ютуқлар замирида ана шу мураббийлар меҳнати ётибди. Хусусан, энгил атлетика бўйича мактаб тарбияланувчилари Орзимурод Туғалов, Жавоҳир Толибов, Ҳабиб Соҳибназаров Бухоро ва Навоий шаҳарларида ўтказилган Ўзбекистон кубогида 1-ўринни кўлга киритди. Қарши ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида эса энгил атлетикачи ёшлардан Дмитрий Балаховцев 1-ўринга, Албина Раззоқова 2-ўринга сазовор бўлди.

Мактаб жамоасининг чим устида хоккей бўйича эришган муваффақиятлари ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Бунда Тамила Амридинова, Дилмурод Шарипов, Ойбек Назаров, Бахтиёр Қози-

мов, Фанишер Розиков, Владислав Петрунин, Лутфулло Исмайтидинов ҳамда Маъруф Турсунов каби фидойи мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлапти. Чим устида хоккей бўйича мактаб тарбияланувчиларининг июнда Самарқанд шаҳрида 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги баҳсларида 1-ўрин, апрелда Фарғонада ўтган Ўзбекистон чемпионатида 2-, майда Асакада кечган Ўзбекистон чемпионатида 3-ўринни эгаллагани мактабда соғлом муҳит қарор топгани ва чинакам иқтидорлар саралаб олинаётганини англатади.

— Ёш ўғил-қизларимиздан 35 нафари спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркибига, 32 нафари эса захира таркибига жалб этилган, — дейди спорт мактаби директори Комил Толибов. — Спортчиларимиз орасидан Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар етишиб чиқаётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Дарвоқе, бугун спорт мактабининг шахмат клубида юздан ортиқ ўғил-қиз машғулот ўтамоқда. 6 нафар тажрибали ва малакали мураббий уларнинг иқтидорини янада такомиллаштиришига кўмаклашмоқда. 15 нафар ёш шахматчига устозлик қилаётган мураббий Шаҳоб Ҳамроқуловнинг шогирдлари орасида оқсак марраларга эришаётган ҳаваскор шахматчилар талайгина. Масалан, 42-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Афрўза Ҳамдамова эришаётган натижалар кўпчиликини хайрон қолдирмоқда.

Афрўза ўтган йили Эронда ўтган Осиё чемпионатида 7 ёшгача бўлган қизлар ўртасида голиб бўлди. Мусобақада блиц, рапид ҳамда стандарт баҳсларида Афрўза барча рақибаларидан устун келиб, 3 та олтин медал билан тақдирланди. У Тошкентда ўтган Осиё чемпионатида ҳам иштирок этиб, 1 олтин, 2 кумуш медални кўлга киритди. Афрўза Ҳамдамова ўтган ва жорий йил мобайнида 8 ва 9 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Россия, Руминия ҳамда Бразилияда кечган мусобақаларда ҳам фаол қатнашди.

**Ҳаким ЖўРАЕВ, "Ma'rifat" мухбири**



**Qadrlan kimmog'ar ijtimoiyochilar!**  
**Jurnalga oshno bulsangiz:**

— Onda zaminiyimizda uchraydigan kimmatbaxo elementlar, usimlik va oзуqalarning kimsoviy xususiyatlari, jahon va uzbek kimog'arlarining fan rivojiga kushgan va kushetgan xissasi;  
 — mahoratli fan uqituvchilarining ilg'or ish uslublari, dars ishlanmalari, noan'zanaviy tug'arak mashg'ulotlarini tashkil etish borasidagi laboratoriya mashg'ulotlarini utkazish tajribasidan xabardor bulasiz.


"Maktabda kimyo" jurnali oshno bulishingizni istaymiz!

Ma'lumot uchun:  
 Tel.: (+99890) 327-89-63  
 E-mail: [mkimyo69@mail.ru](mailto:mkimyo69@mail.ru)

Obuna narxini: 1190

**Hurmatli biolog muallimlar!**

Jurnal saxifalarida iortimizda faoliyat olib borayotgan fan uqituvchilarining ilg'or ish uslublari, dars ishlanmalari, tug'arak mashg'ulotlarini qiziqarli va mazmunli utkazishga xizmat qiluvchi, interfaol uyinlarga asoslangan metodik materiallari, zamonauiy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va uquv-laboratoriya anjomlarini uqitish jarayoniga samarali tatbiq etish borasidagi tajribalari berib borilmoqda.



"Maktabda biologiya" jurnaliga obuna bulishingizni istaymiz!

Ma'lumot uchun:  
 Tel.: (+99899) 838-41-19  
 E-mail: [m-biologiya@mail.ru](mailto:m-biologiya@mail.ru)

Obuna narxini: 1190



**Aziz geografiya fani jonkuyarlari!**

Fan va uning ta'limiga oid eng svingi yangiliklar, ilg'or uqituvchilarining darslari zamonauiy AKT va multimedia vositalari yordamida samarali tashkil etishga doir tajribalari, tug'arak mashg'ulotlarini uqitish oyd tavsiyalari, interfaol uyinlarga asoslangan metodik materiallaridan voqif bulay desangiz:

"Maktabda geografiya" jurnaliga obuna bulishingizni istaymiz!

Ma'lumot uchun:  
 Tel.: (+99890) 999-00-89  
 E-mail: [m-geografiya@mail.ru](mailto:m-geografiya@mail.ru)

Obuna narxini: 1190

Obunani "Matbuot tarqatuvchi", "Uzbekiston pochasi" AKning joylardagi bu'limlarida hamda obuna jarayonini tashkil etayotgan boshqa hamkor tashkilotlar yordamida amalga oshirishingiz mumkin.

Maхsulotlar sertifikatlangan. Xizmatlar litsenziyalangan.

## Болалар ясаган моделлар

уларнинг техник тасаввуридан галолат беради

Ёшлар ижод саройининг кўргазмалар зали. Бири-биридан хайратомуз техник моделларга қараб, мактаб ўқувчилари томонидан яратилганига ишонгингиз келмайди. Фойдаланилган хомашёларни айтмай-сизми? Темир, фанер, картон қоғози бир нарча бўлиб ерда ётиши мумкин. Аммо ақл-заковат ишга солинса ажабтовур буюмга айланад экан!



### Festival

Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Болаларнинг техник ижодкорлиги" фестивал-танловининг республика босқичи доирасида ташкил этилган кўргазма-ни томоша қилиб, шундай хулосага келдик.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Тошкент давлат техника университети, пойтахтимиздаги Турин политехника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу лойиҳада "Баркамол авлод" болалар марказларининг техник йўналишдаги туғарак аъзолари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари 7 йўналиш — автомодель, авиа-ракета-модель, кемасозлик, робототехника, электрон ўйинчоқлар, радиотехника, электроника ва алоқа, кино-видеохаваскорлик бўйича ижодий ишларини намойиш этдилар.



Ўқувчи мактабдан ташқари таълим тизимида оддийдан мураккабга қараб, мураббийлар кўмагида босқичма-босқич ўз техник тасаввурини бойитиб бораётгани қувонарлидир. Ҳакамлар ҳар бир ижодий ишни уч жиҳатдан баҳолашди: турмушда тутган ўрни, ўзига хос дизайни ва техник талабларга қай даражада жавоб бериши.

Ғолибликни қўлга киритган иқтидорли иштирокчилар ҳамда турли номинацияга муносиб топилган ёшлар Халқ таълими вазирлигининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**МУХБИРИМИЗ.**  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**  
 олган суратлар.

## Ma'rifat

ТА'СИС  
 ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,  
 Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus  
 Ta'lim, fan va madaniyat  
 xodimlari kasaba uyushmasi  
 Respublika kengashi.

Bosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
 olingan. Indeks: 149, 150. F-1115. Tiraji 33822.  
 Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
 qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:  
 qabulxona — 233-50-55;  
 kotibiyat — 233-99-15;  
 reklama va marketing bo'limi —  
 233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat» dan  
 materiallarni ko'chirib  
 bosish tahririyat  
 ruxsati bilan amalga  
 oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
 qo'lyozmalar taqiriz  
 qilinmaydi va muallifga  
 qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
 Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 00.05 Topshirildi — 00.40

MANZILIMIZ:  
 100083, Toshkent shahri,  
 Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
 Web-site: [www.marifat.uz](http://www.marifat.uz)

Dizaynerlar:  
 Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
 Navbatchi muharrir:  
 Rayhona XO'JAYEVA.  
 Navbatchi:  
 Faxriddin RAHIMOV.

12 456